

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

АРХИТЕКТУРА

ФАНИДАН

Маъruzалар матни



Наманган-2019 йил

Маърузалар матни Архитектура фани ўқитиладиган барча таълим йўналишлари учун стандарт асосида тайёрланди. Маърузалар матнида архитектура тарихи ва турар-жой, жамоат, саноат биноларининг асосий меъморий ечимлари, конструктив схемалари, асосий конструктив элементлар турлари ва уларнинг қўлланиш ўринлари, ҳамда алоҳида геофизик шароитли жойларда қурилиш ишларини олиб боришдаги талаблар ёритилган.

Ушбу маърузалар матни Архитектура фани ўқитиладиган барча таълим йўналишларида таҳсил олаётган бакалаврлар учун мўлжалланган.

Тузувчи:

- Б.Дедаханов, Курилиш материаллари ва буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш кафедраси катта ўқитувчиси
- Б.Жўраев, Касб таълими(Бинолар ва иншоотлар қурилиши) кафедраси катта ўқитувчиси
- Д.Хатамова, Курилиш материаллари ва буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш кафедраси катта ўқитувчиси

Тақризчилар:

Уралов И- «Келажак- S лойиха» МЧЖ директори
А.Рахимов т.ф.н. доц. “Бино ва иншоотлар қурилиши”

“Курилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари ишлаб чиқариш” кафедрасида кўриб чиқилиб, чоп этишга рухсат этилган.

— - мажлис баёни, “___” 2019 йил

Наманган мухандислик-қурилиш институтининг услугий кенгашида тасдиқланган.

— - мажлис баёни, “___” 2019 йил

Регистрация раками _____

Лойихалашининг меъморий-курилиши асослари

1-маъруза

Режа:

1.Бинолар, иншоотлар ва уларнинг конструктив элементлари хакида умумий маълумотлар.

2.Бино ва унинг конструктив элементларига қўйиладиган талаблар.

Мавзу бўйича “таянч” сўз ва иборалар: Пойдевор, пол, девор, ораёпма, томёпма, зина, юпқа девор, дераза, эшик, фонар.

Бино ва иншоотлар, уларнинг конструктив элементлари хакида умумий маълумотлар. Бино деб, бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган конструктив қисмлар, юк кўтарувчи ва ўраб турувчи конструкциялардан ташкил топиб, ер устида берк хажм ҳосил қурилиш системасига айтилади. Бинолар одамлар яшаб ҳаёт тарзларини кечиришларига, вақтинчалик бўлишларига ҳамда ҳар-хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга мўнжалланган бўлади. Мисол учун турар жой, меҳмонхона, фабрика, ёки завод бинолари.

Иншоот деб, кўтариб турувчи, баъзи ҳолатларда ўраб турувчи конструкциялардан ташкил топиб, ҳар-хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларни бажаришга, материалларни сақлашга ва одамларни вақтинчалик бўлишларига мўнжалланган қурилиш системасига айтилади. Бунга сув сақлаш иншооти, тутун қувурлари, сув дамбалари, газгольдерлар мисол бўла олади.

Бинолар функционал белгиланишига кўра **фуқаро (турар жой ва жамоатчилик) ва ишлаб чиқариш** биноларига бўлинади.

Турар жой биноларига одамларни доимий яшашларига мўнжалланган квартирали уйлар, меҳмонхоналар, ётоқхоналар ва қариялар уйи киради. Жамоатчилик бинолари аҳолига социал хизмат кўрсатишга, маъмурий идораларни ва жамоатчилик ташкилотларини жойлаштиришга мўнжалланган бўлади. Буларга мактаб, КХК, академик лицейлар, институт бинолари, савдо марказлари, умумий овқатланиш бинолари, томоша майдонлари, даволаш-соғломлаштиришга мўлжалланган бинолар, бошқарув бинолар киради.

Ишлаб чиқариш биноларига одамларга талаб даражасида меҳнат шароити ва технологик жиҳозлардан унумли фойдаланиши таъминланган саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига мўлжалланган завод ва фабрикаларнинг ишлаб чиқариш цех бинолари, электростанциялар, ҳайвон ва паррандаларни боқиши бинолари, иссиқхоналар ва бошқалар киради.

Биноларнинг ват иншоотларнинг асосий конструктив элементларига қўйидагилар киради:

1.Пойдевор - ер сатхидан пастда жойлашган бинонинг қисми бўлиб, бинодан тушадиган юкламаларни қабул қилиб асосга узатишга хизмат қилади.

2.Деворлар хоналарни ташқи муҳитдан ҳимоя қилишга ёки уларни бир-биридан алоҳида хоналарга ажратишга хизмат қилади. Деворлар ўз оғирлигидан, ташқи деворлар эса бундан ташқари шамолдан тушадиган юкламани ҳам қабул қилади. Кўпгина ҳолатларда деворлар ора ёпма ва том ёпмалардан тушадиган юкламаларни қабул қилиб, юк кўтарувчи девор вазифасини бажаради.

3. Алоҳида таянчлар - улар ғиштли ёки темир бетон устунлар бўлиб, улар ора ва том ёпмалардан тушадиган юкламаларни қабул қилиб, пойдеворга узатишга хизмат қилади.

4. Ора ёпма - биноларни баландлик бўйича қаватларга бўладиган конструктив элемент бўлиб, у ўз оғирлигидан, одамлардан, жиҳозлардан, мебеллардан тушадиган юкламаларни қабул қилади. Бир вақтни ўзида ора ёпмалар биноларнинг горизонтал бикрлигини таъминлайди. Ора ёпмалар ер тўла усти (ер тўла ва 1-қават орасидаги), чердак (юқори қават ва чердак ўртасидаги) ва қаватлар аро турларга бўлинади.

5. Том ёпма - биноларни ташқи климатик муҳитдан ва таъсиrlардан ҳимоя қиладиган, ўз оғирлигидан, чердак ва томдан бўладиган юкламалрни қабул қиладиган бинонинг юқори ўраб турувчи қисми ҳисобланади. Бинони атмосфера ёғинларидан ҳимоя қиладиган юқори қисми том тушамаси дейилади.

6. Зиналар - қаватларни бир-бири билан боғлайдиган бино элементидир. Ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан зиналар алоҳида зина хоналарига жойлаштирилади.

7. Юпқа деворлар – юпқа юкланган ички девор бўлиб, тўғридан-тўғри ора ёпма устига ўрнатилади ва биноларнинг ички кенглигини алоҳида хоналарга бўлишга хизмат қилади.

8. Дераза ва фонарлар – улар хоналарни табиий ёруғлик билан таъминлаш ва шамоллатиш учун хизмат қилади.

9. Эшиклар – хоналарни бир-бири ва ташқи муҳит билан боғлашга хизмат қилади.

Бино ва иншоотларда конструктив элементларнинг юк кўтарувчи таянчлари бўлиб, улар бинонинг мустаҳкамлиги, бикрлиги, чидамлилигини ошириб, фазовий системани ташкил этади.

Ўраб турувчи конструкциялар бино ва иншоотларни ташқи муҳит таъсиридан ҳимоя қилади. Улар ташқи муҳит таъсиrlарига чидамли бўлиши шарт.

Баъзи бир конструктив элементлар бир вақтнинг ўзида ҳам юк кўтарувчи ҳам ўраб турувчи вазифаларни бажаради.

2. Бино ва унинг элементларига қўйиладиган талаблар

Хар қандай бино биринчи навбатда нима мақсадда қурилган бўлса, шу талабларга жавоб бериш шарт. Яъни одамлар хаёт тарзларини кечиришлари учун сифатли майший шароит яратилган ҳамда технологик жараёнларни сифатли кечиши таъминланган булиши шарт.

Биноларнинг фойдаланиш давридаги сифати хоналарнинг таркиби, уларнинг хажми ва майдони, ички ва ташқи пардозлари, муҳандислик жиҳозларининг бор йўқлиги билан белгиланади.

Бинолар мустахкам, бикр, чидамли, узоқ муддатга чидамли бўлган ҳолда, улар санитар-гигиена, ёнқинга қарши, иқтисодий ва меъморий талабларга ҳам жавоб бериши шарт.

Биноларнинг узоқ муддат хизмат қилиши- материал ва конструкцияларни узоққа чидамли яъни музлашга, намга емирилишга, юқори температурага чидамлилиги билан боғлиқ бўлиб, ўрнатилган режимда бинодан фойдаланиб, бузилиш ва деформациясиз бинони сифатини узок муддат сақлаб қолишидир.

Зарур ҳолатларда материал ва конструкцияларни узоққа чидамлилигига эришиш шароитга мос конструктив ечимлар ҳисобига эришилади. Мисол учун, етарли даражада мустахкам бўлмаган материаллардан тайёрланган конструктив элементларни маҳсус ҳимоя воситалари билан ҳимоялаш. Конструкцияларни талаб қилинган фойдаланиш сифатини йўқотмай хизмат қилиш муддатини аниқлаш I, II, ва III даражалар билан белгиланиб, бунга мос равишда биноларни хизмат қилиш муддатлари 100, 50, ва 20 йилдан оз бўлмайди.

ЭЪТИБОР БЕРИНГ! Бинонинг конструктив ечими уни структурасини ташкил қилувчи элементларнинг турларига бевосита боғлиқ.

Бинолар оловга чидамлилик бўйича 5 та даражага бўлинниб, бунда I-даражага ўта оловга чидамли бинолар киради. I, II, III – даражаларга фақат темир бетон, бетон, тошдан тикланган бинолар мансуб. I ва II – даражага кирадиган биноларни барча конструктив элементлари ёнмайдиган материаллардан, III-даражага мансуб биноларнинг деворлари ва таянchlари ёнмайдиган ҳамда ора ёпма ва том ёпма материаллари қийин ёнадиган (ёғоч устидан сувалган) материаллардан тайёрланади. IV-даражага ёғочдан тиклаб, сувалган бинолар, V-даражага ёғочдан тикланган бинолар киради.

Юқорида номлари келтирилган талаблардан келиб чиқсан ҳолда биноларни асосий конструкцияларини узоқ муддатга чидамлилиги ва олов бардошлилиги ҳамда унинг фойдаланиш давридаги шароити бўйича ҳамма бинолар 4 синфга бўлинади. Бунда 1-синфга ўта юқори талабларни ва 4-синфга камроқ талабларни қондирадиган бинолар киради. Биноларни хажмий режавий ва конструктив ечимларини танлашда табиий климатик шароит ва фойдаланиш муҳити катта роль ўйнайди.

Юқорида санаб ўтилган талаблардан ташқари бинолар меъморий - бадий талабаларга ҳам жавоб бериши шарт.

Бинонинг олди қўриниши ҳаммадан олдин нима мақсадда қурилгани, конструктив схемаси ва шахар қурилиши талаблари билан аниқланади.

Меъморий композиция сифати бош композиция ядросини аниқ кўрсатилганида бўлиб, қолган бошқа элементлар композицияни бош композиция ядроси билан битта бутун боғланганидадур.

Биноларнинг хажмий композициялари **марказий, фронтал, чукур ва тик композицияларга** бўлинади. Марказий хажмий композиция одатда бош олди қўринишсиз катта марказий ҳажмга эга бўлади (масалан, цирк, ёпик бозор). Фронтал композиция нисбатан катта булмаган бинонинг фазовий чукурлиги иккита фронтал-горизонтал ва вертикал уклар буйича композицион боғланишларнинг устунлиги билан характерланади. (масалан, режада қатъий тўғри туртбурчак шаклга эга бўлган фуқаро ва асосан ишлаб чиқариш бинолари). Вертикал композиция баландлиги қолган иккита ўлчамларидан устунлиги билан характерланади (юқори ва ўта юқори қаватли бинолар). Чукур композиция хажмий холатга асосланиб, на фақат узунлик балки чукурлик бўйича ҳам ривожланган булади (масалан, нисбатан мураккаб режага эга бўлган купчилик фуқаро бинолари).

Назорат учун саволлар:

1. Бинонинг асосий конструктив элементларига нималар киради?
2. Деворлари вазифаси ва турларини келтиринг?
3. Ораёпма ва томёпма элементларига нималар киради?
4. Инженерлик жиҳозлари ва уларнинг турлари
5. Қандай конструктив ечимларини биласиз?

2-маъруза

Режа:

1. Қурилишни индустрлаштириш
2. Меъморий қурилиш лойихаси ва уларни ишлаб чиқиш босқичлари.

1.Қурилишни индустрлаштириш - бино ва иншоотларни тиклашда комплекс механизациялашган жараёнларни қўллаган ҳолда, йиғма конструкциялардан, чунончи, юқори даражали тайёр йирик конструкциялардан фойдаланиб, қурилиш ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилишdir.

Қурилишни индустрлаштириш лойихаланаётган бино ва иншоотларнинг йиғма конструктив элементларини типизациялаш ва асосий конструктив схемаларини унификациялаш ҳисобига таъминланади.

Типизациялаш деганда илғор замонавий технологик ва иқтисодий кўрсаткичларни ҳисобга олиб, маҳсус ишлаб чиқилган лойихалар асосида улардан кўп маротаба фойдаланиб, корхоналарни, бино ва иншоотларни қуришга, қурилиш конструкциялари ва деталларини ишлаб чиқаришга қаратилган қурилишдаги техник йуналиш тушинилади.

Унификация деганда бино ва иншоотларнинг хажмий-режавий ва конструктив ечимларини, конструкция, детал ва жихозларини типавой ўлчамларини камайтириш ва деталларини бир-бири билан ўзаро алмаштиришга эришиш мақсадида мақсадли бир хиллаштиришга тушинилади.

Типизациялаш ва унификациялашга асос бўлиб, **ягона модуль системаси (ЯМС)** ҳисобланади.

Биноларнинг асосий ўлчамларидан келиб чиқиб, ягона модул асосида 100 мм қабул қилиниб, М билан белгиланади, қисқача Мқ 100 деб ифодаланади.

Бир қаватли саноат биноларининг унификациялашган кулоchlар кенглиги модул 60 м қабул килинган яъни 6000 мм, аникроги 12000, 18000, 24000, 30000мм ва ундан ортиқ. Бунда устунлар кадами 6000, 12000 ва 18000 мм булади. Баландлик буйича тоза полдан стропил ости конструкцияси остигача булган масофа (3000-9600 мм ва ундан ортиқ) учун модул 6 м (600 мм) қабул килинган.

Кўп қаватли саноат биноларининг устунлар тўри унификация асосида 6000x6000; 6000x12000; 12000x12000 мм, қаватлар баландлиги эса 12 м (1200мм) модул қабул қилинган.

Кўп қаватли фуқаро бинолари учун устунлар тури 20 м (200 мм) модул 2800-6800 мм улчамда қабул қилинади. Баландлиги бўйича эса (300 мм) модул қабул қилиниб, баландликлар 2700; 3300 ва 3600 мм бўлади.

Унификацияланган конструктив схемалар қўлланган шароитда йиғма конструктив элементларни типизациялаш бино ва унинг элементларининг ўзаро боғлик ўлчамларига асосланади.

3 та категориядаги ўлчамлар кўзда тутилади.

- ▶ **Номинал**- режадаги модул бўлувчи ўқлар яъни биноларни режали элементларга бўлинишини ёки девор ва алоҳида таянчларни жойлашишини аниқлайдиган ўқлар орасидаги масофа.
- ▶ **Конструктив** - йиғма элементларнинг номиналдан чоки ва ёруқларининг катталигида (30 мм ва ўқдан катта) фарқ қиласидиган лойихавий ўлчамлари.
- ▶ **Натур-йиғма** элементларнинг конструктив ўлчамлардан руҳсат этилган чекиниш катталигида (3-10 мм) фарқ қиласидиган ҳақиқий ўлчамлари.

Бино ва иншоотларнинг элемент ва конструкцияларини имконият даражасидаги ташиш шароити ва монтаж жиҳозларини ҳисобга олган ҳолатда йириклиштириш керак. Кўп қаватли қурилишларда йиғма элементларнинг оғирлиги 5 тоннадан ошмаслиги лозим. Бир қаватли саноат бинолари учун узунлиги 24000 мм ва оғирлиги 10-20 тоннагача бўлган конструктив элементлардан фойдаланилади. Йиғма элементларнинг габарит ўлчамлари ташиш шароити туфайлигини чекланади.

Биноларни (иншоотларни) қурилиш координат турига боғлаш ва бино (иншоот) элементларини ўзаро жойлашишини аниқлаш учун юк кўтарувчи конструкцияларнинг бўлувчи ўқлари ва энг характерли баландликдаги саноқдан фойдаланилади.

Бўлувчи ўқларни маркировкалаш учун араб сонларидан ва рус алфавитидаги катта харфлардан фойдаланилади. Кўндаланг ўқлар сонлар ва бўйлама ўқлар эса харфлар билан белгиланади. Алоҳида конструкция элементлари, санитар-техник ва бошқа қурилмалар жойлашиш урни бинонинг яқинидаги бўлувчи ўқидан фойдаланиб, ўлчаб белгиланади. Баландлик саноқлари белгиланган нол сатхдан яъни қоидага асосан биринчи қават тоза полидан ҳисобланади.

Фуқаро биноларнинг конструктив элементларини модул бўлувчи ўқларга боғлашнинг асосий қоидаси қуйидагича: ташқи юк кўтарувчи деворлар учун бўлувчи ўқ ўрни в/2 бўлади, бунда в-девор қалинлиги. Ички девор ва устунлар учун уларни геометрик ўқлари бўлувчи модул ўқлар билан тўғри келади.

2. Меъморий қурилиш лойихаси ва унинг ишлаб чиқиши боскичлари

Замонавий меъморий қурилиш лойихаси мустақил Ўзбекистонимиздаги ва чет эллардаги фан ва техника ютуқларини ҳисобга олган ҳолатда лойихалаб, ишлаб чиқилган бўлиши шарт.

Замонавий лойиха юқори иш унумдорлигига эга бўлган жиҳозлардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, қурилиш конструкция ва маҳсулотларини завод тайёрлик даражасини ошириш, индустрiali қурилиш усулларини қўллаш, бино ва иншоотларнинг хажмий-режавий ва конструктив ечимларини такомиллаштириш ҳисобига капитал харажатларни юқори унумдорлигини таъминланиши шарт.

Юқоридагилардан ташқари хар бир ишлаб чикилган лойиха шахар қурилиши ва мөмкіннеліктердің ечімлар, ердан унумли фойдаланыш, атроф-мухит мухофазаси, объектлар зилзилабардошлиги, портлаш ва ёнғин хавфсизлиги талабларини юкори даражада таъминлаши шарт.

Лойихалашнинг асосий жүйесінде хажмий режавий, конструктив ва технологик ечімларни, түгунлар, конструкциялар ва маңсулотларни унификациялаш базасыда лойихалар ечімларини типизациялаштырылады.

Типовой лойихалар асосида ишлаб чиқариш, турар жой, жамоатчилик, қишлоқ хұжалик бино ва иншоотлари бунёд этилмоқда. Агар технологик линиялари унча фарқ қылмайды болса, ортиқча құшимча харажатларни камайтирады болса, иншоотларнинг унификациялашкан хажмий режавий ечімларидан фойдаланыш максадға муофик.

Лойихалаш босқичлари. Бино ва иншоотларнинг лойихалари бир ёки икки босқичда лойихаланади.

Бир босқичда типовой ва қайта құлланилады лойихалар бүйіча қурилады технологик жиһатдан мұраккаб бўлмаган бино ва иншоотлар, корхоналар лойихаланади. Бунда бирданига ишчи лойиха йиғма смета ҳисоб қийматлари билан ишлаб чиқылади.

Икки босқичда йирик мұраккаб ва индувидуал қурилады технологик жиһатдан мұраккаб бўлмаган бино ва иншоотлар, корхоналар лойихаланади. Бунда биринчи босқичда объектнинг йиғма смета ҳисоб қийматлари ишлаб чиқылади ва иккинчи босқичда смета билан ишчи хужжатлари тайерланади.

Лойихалар ишлаб чиқариш ва халқ хұжалиги соҳаларини ривожлантириш, уларни жойлашиш схемалари яғни иқтисодий районлар бүйіча ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлашиш схемалари таркибида бажарылған амалдаги материаллар (керакли ҳисботлар билан) асосида ишлаб чиқылади. Лойихалашда лойиха изланишлари ва вариантлы қайта ишланишларни ҳисобға олған холда, объектнинг жойлашиш холати, лойихавий күввати, қурилиш нархи ва бошка техник-иктисодий курсаткичлари аникланади.

Икки босқичли лойихалашнинг ишчи хужжатларини тузиш жараенида лойиха материалларини аниклаштириш учун күшимча қайта ишлешлар ҳисоблаб чиқилиши мүмкін. Мұхим ахамияттаға эга индивидуал ва мұраккаб объектларни лойихалашда танлов учун алохуда конструктив, мөмкіннеліктердің ечімларни ишлаб чиқышдан бошланади. Қурилишнинг умумий смета қийматлари навбат билан амалға оширилади.

Кетма-кетлик билан қурилады технологик корхоналар ва иншоотларни лойихалаш бош ректе схемасини тузиш учун талаб килинады асосий лойихавий ечімларни ишлаб чиқышдан бошланади. Қурилишнинг умумий смета қийматлари навбат билан амалға оширилади.

Қурилиш физикаси асослари

Режа:

- 1.Қурилиш акустикаси асослари.
- 2.Ёруғлик техникаси ҳақида тушунча.

1. Қурилиш акустикаси асослари

Хоналарга ташқаридан кирадиган ҳар қандай товуш қурилиш акустикасида шовқин деб аталади. Шовқин ҳаводан ва механик урилишлардан ҳосил бўлиб, жисмлар орқали тарқайдиган турларга бўлинади.

Ҳаводан тарқайдиган шовқинлар хоналарга ёриклар, деворлардаги бўшлиқлар ва дарзлар орқали хоналарга киради.

Үрилганда ҳосил бўладиган шовқинлар (юқори қаватларда одамлар қадамидан, ҳар-хил нарсаларни силжитишдан ва бошқалар) механик урилиш натижасида ҳосил бўлиб, у деворлар, ора ёпмалар, юпқа деворлар орқали тарқалади. Урилганда ҳосил бўладиган шовқинлар бир жинсли материалларга нисбатан ҳар-хил жинсли кўп қаватли конструкциялардан тезроқ сўнади.

Инсонларни шовқиндан ҳимоялаш ва уларни камайтириш ҳозирги замон актуал муаммосидир.

Меъморлар шахарларни, кичик районларни хамда уларда жойлашадиган тураг жой биноларини лойихаси устида иш ола бориб, шовқин даражасини камайтириш мақсадида тураг жой биноларини асосий магистрал кўчаларга олди билан эмас ёни билан жойлаштиришмоқда, бинолар оралиқларидағи масофалар кенгайтирилиб, биноларни атрофлари кўкаламзорлаштирилмоқда.

Шахар қурувчилар эса муҳандислик иншоотларни, омборларни, музлаткичларни, тарнспорт коммуникация тармокларини ер остига жойлаштириш, метро қурувчилар тоннель ва грунт орасини маҳсус товуш ютадиган бетон билан тўлдириш ҳисобига шовқин даражасини камайтиришга эришмоқдалар.

Юқоридагилар ҳисобига шовқин даражасини камайтирилганда ҳам шахарларда шовқин даражаси юкорилигича колмокда. Буни олдини олиш максадида ураб турган конструкцияларнинг товушдан ҳимоялаш хусусиятини ошириш ва уларда дарзлар, ёруқлар, ғовак бўшлиқлар ҳосил бўлишига йўл қўймаслик талаб этилмоқда.

Ураб турувчи конструкцияларни товушдан ҳимоялаш хусусиятини ошириш ҳимоя қилинаётган товушнинг частотасига боғлиқ бўлади. Паст частотали товушлар юқори частотали товушларга нисбатан тусиклардан осон ўтади. Амалий мақсадлар учун товушдан ҳимоялаш $R_{тov}$ деб белгиланган ва бирлик ўлчови сифатида децибел (ДБ) катталиги қабул қилинган.

Товушдан ҳимоялашнинг частота йўли учун ўртача катталиги 100-3200 Гц

$$R_{тov} = A \cdot P \cdot B$$

Бунда A ва B-константлар (A 13,5; B 13; P 200 кг бўлса A 232; B -9 қолган ҳолатлар учун) P-1м² ўраб турувчи конструкциянинг оғирлиги.

Агар конструкциялар орасида бўшлиқлар қолдирилса, товушдан ҳимоялаш даражаси ортади. Масалан 3 см қалинликда ҳаво бўшлиғи бўлса 1ДБга, 6 смли булса 5,5 ДБга ортади. Ураб турувчи конструкциянинг ҳисобий товушдан ҳимоя қилиш катталиги талаб қилинган катталикдан кам бўлмаслиги шарт.

Бунда - шовқин ҳосид бўлаётган хонадаги товуш босимининг даражаси, ДБ

- кузатилаётган хонадаги товуш босимини рухсат этилган даражаси, ДБ

Товуш босимининг энг юқори даражаси яшаш хоналарида, ташкилотларда ва қутубхоналарда 40-46 ДБ, касалхона, меҳмонхоналарда 40-50 ДБ, магазинлар ва банкаларда 50 ДБ дан ошмаслиги шарт.

Конструкцияларни масасини оширганинг ҳолда уларни товушдан ҳимоя қилиш хусусиятини ошириш учун улар орасида ёппасига ҳаволи бўшлиқлар ҳосил қилиш керак. Бундан ташқари бундай конструкцияларни бир-биридан мустахкамлиги ва бикрлиги билан мутлоқ фарқ қиласиган материаллардан кўп қаватли қилиб, ишлаб чиқариш ва қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Деразалардаги ойнаклар ҳам ўз навбатида ташқаридан кираётган товушлар даражасини пасайтиради. Масалан: бир қаватли ойнак 15 ДБ, 2 қаватли ойнак эса 20 ДБ

Қалин ойнакларни товуш ютадиган синтетик прокладкалар билан бир-биридан 200 мм масофада ўрнатилса, ташқаридан кираётган шовқинни 40 ДБ га камайтирилиши мумкин.

Хоналарнинг девор ва полларини гиламлар билан қоплаш на фақат хонага шинамлик бағишлайди, балки гиламлар 10-12 ДБ гача товушларни ютади.

Жамоатчилик биноларида айниқса театр, концерт залларида хоналарни акустик хусусиятини ошириш учун куп тешикли осма шифтлар билан жиҳозлаш жуда ҳам мАқсадга мувофиқдир. Осма шартларнинг акустик хусусиятига таъсир қиласиган асосий факторлари тешиклар ўлчами, тешикларнинг умумий юзага нисбатан фоизи ва шифт ости кенглигининг чуқурлигидир.

Биноларда шовқинларни асосий манбаи ўрнатилган мухандислик ва санитар-техник мосламалардир. Бунда шовқин ҳаво, қувур йўллари ва конструкциялар орқали тарқалади. Тураг жой хоналаридаги шовқинни пасайтиришнинг 2 хил усули бор.

1) **Актив**-механизм ва жиҳозларда ҳосил бўлаётган товушларни пасайтириш.

2) **Пассив**-тарқалиш йўлларига тўсиқлар ўрнатиш.

Тураг жой биноларида кўпчилик ҳолатларда шовқин манбаи сув тақсимлаш кранлари, санитар аппаратлар, арматуралар ҳисобланади. Бунда вентилларни бирданига очиш ёки беркитиш ҳисобига гидравлик урилишлар натижасида товушлар ҳосил бўлади. Буни олдини олиш учун конструкцияларга тегиб турган ҳамма қувурларда титрашдан ҳимоя қатlam қўлланилади.

Курилш меъерий коидаларига асосан қувурлардаги сувнинг харакат тезлиги магистрал ва стоякларда 1,5 м.с, подводканинг сув тақсимлаш тугуларида-2,5 м.с дан ошмаслиги шарт.

Мухандислик коммуникация ва системаларида шовкинни камайтиришнинг асосий йўналиши мосламаларни, жиҳозларни, арматураларни акустик характеристикаларини меъёрий талаблар даражасида бўлишидир.

Ёруғлик техникаси ҳақида тушунча.

Курилиш ёруғлик техникасининг асосий вазифаси-хоналардаги табиий ёритилганликни аниқлаш яъни тўғридан-тўғри қуёш нури билан ёритилганлиги ёки осмон ёруғлиги билан (диффузия-еийилган).

Амалиётда хоналарни табиий ёритилганлик характеристикаси сифатида нисбий катталик Е-табиий ёритилганлик коэффицентидан (ТЕК) фоизда фойдаланилади.

бунда Еич-хона ичидаги юзани ёритилганлиги;
Еташ-ташқи очиқ осмон остидаги юзани ёритилганлиги:

Зарур даражадаги табиий ёритилганликни таъминлаш учун қўйидаги шартга амал қилиниши керак

Бунда хонада бажариладиган жараён характеристига, ушбу географик район учун ёруғлик климатига, тўғридан-тўғри қуёш нури ҳисобидан ҳосил бўладиган ёруғлик потоки (географик кенглик, ёруғлик манбааларини меъморий-конструктив ечимларига боғлиқ)га боғлиқ бўлган талаб қилинган (меъерий) табиий ёритилганлик коэффиценти.

Курилиш ёруғлик техникасида табиий ёритилганликнинг етарли даражада аниқ ҳисоблари билан бир қаторда оддий усуллари ҳам мавжуд.

Турар жой биноларининг хоналарида ёруғлик тушадиган деразаларнинг юзаси хона поли юзасига нисбатан аникланади, яъни 8:1 нисбатда олинади.

Ёруғлик техникасида табиий ёритилганлик саволлари билан бир қаторда инсолация ҳам кўриб чиқилади. Инсолация бу хоналарга сутка давомида камида 3 соат қуёш нурининг тўғридан-тўғри тушиб туришидир. Инсолация яшаш хоналарига зарурдир, шунинг учун хоналарни ёруғлик тушадиган томонга қаратиб лойихаланади. Баъзи бир хоналарга аксинча инсолация тўғри келмайди. Бу чизма чизиладиган заллар, операция ва баъзи бир ишлаб чиқариш хоналари.

4-маъруза

Бино ва унинг конструктив элементларини техник иқтисодий баҳолаш

У ёки бу шароитда аниқ қайси меъморий режавий ёки конструктив ечимни қўллаш мақсадида мувофиқлигини аниқлаш учун албатта уларни техник-иқтисодий баҳолаш керак. Техник иқтисодий баҳолаш деганда бинонинг ёки унинг элементини меъморий-режавий ёки конструктив ечимини ҳам техник, ҳам иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқлигини бошқа эталон бўйича қабул қилинган ечимлар билан солиштиришга тушунилади. Баҳолашнинг асосий критерияси бўлиб, 1м² ёки 1м³ конструкция ёки бутун бинонинг нархи хизмат қиласиди.

Биноларнинг техник иқтисодий баҳолашда одатда қуйидаги кўрсаткичлар аниқланади:

- бирлик конструкцияга сарфланган меҳнат сарфи;
- бирлик конструкция учун сарфланган қурилиш материаллари сарфи;
- конструкция оғирлиги;
- йифмалик даражаси;
- заводда тайёрланган конструкциялар таннархини ҳамма конструкциялар таннархига нисбати;
- йифма элементларни типовой ўлчамлари сони;
- конструкцияларни ёнфинга чидамлилик даражаси.

Аҳоли яшаш жойларини режалаштириш.

Аҳоли яшаш жойлари шахар ва қишлоқдаги яшаш жойларга бўлинади. Яшаш жойлари аҳолисини сонига қараб қуйидагича классификацияланади.

Шаҳарларни режалаштириш структураси.

Шаҳарларни бир неча режалаштирилган зоналарга ажратиш кўзда тутилади:

- Селитеб зона – турар жой, жамоатчилик биноларини қуриш ва боғлар, парклар, майдонлар жойлаштириш учун белгиланган шахар территорияси.

- Саноат зonasи-шахарнинг саноат корхоналари жойлашадиган территорияси. Саноат зонасини лойихалашда селитеб зона саноат газлари ва чангсимон чиқиндилардан, ифлосланган саноат чиқинди сувларидан ҳимояси таъминланган бўлиши керак. Бунинг учун саноат зоналари шамол йўналишини ҳисобга олган ҳолда селитеб зонадан кейин жойлаштирилади.

- Санитар-ҳимоя зonasи-саноат зонасини селитеб зонадан ажратадиган зона. Санитар-ҳимоя зонада бино ва иншоотлар қуриш ва ободонлаштириш ишлари санитар меъёrlар асосида амалга оширилади. Бу зонанинг кенглиги

саноат зонасидаги ишлаб чиқаришни ташқи мұхитта захарли таъсирини ҳисобға олган ҳолда 50 метрдан 1000 метргача белгиланған.

Коммунал-омборхона зонаси-шахарнинг трамвай, троллейбус, автобус ва такси саройлари, омборхоналари ва бошқа ақолига коммунал-маиший хизмат күрсатадиган корхоналар жойлашган территорияси. Бу зона одатда селитең зонадан ташқарыда жойлашади. Коммунал-омборхона зонаси юқоридагилардан ташқары селитең ва саноат зоналари билан яхши тарнспорт алоқаси билан таъминланған бўлиши шарт.

Ташқи транспорт зонаси-шахарнинг темир йўл вокзали, аэропорт, бандаргоҳ, автомобил йўллари ва вокзаллари эгаллаган майдони.

Бу зона селитең зонадан ташқарыда аммо унга яқин атрофда жойлашади.

Селитең зонанинг асосий режавий элементи бўлиб ҳар куни маданий майший хизмат күрсатиш ташкилотлари билан таъминланған 5-20 минггача ахоли жойлашган районлар ҳисобланади. Туар жой районлари қурилишини маданий-маиший, савдо ва бошқа хизмат күрсатиш обьектлари билан биргаликда олиб борилиш керак яъни туар жой биноларини хизмат күрсатиш бинолари билан бирга ишга тушириш керак.

Туар жой биноларини қуриш системаси.

Туар жой районларининг қуришлишнинг бир неча системаси мавжуд:

-периметр бўйича-кўчалар билан чегараланған кварталларнинг қирғоқлари бўйлаб туар жой биноларини жойлаштирилади.

-қаторлаб-магистрал ва доимо тўхтовсиз ҳаракат бўладиган автомобил йўлларининг қирғоқларига жойлаштирилади.

-Группали-инсоляция шароитини унумли таъминлаш мақсадида биноларни группалаб жойлаштирилади.

-Эркин-бунда туаржой ва бошқа бинолар эркин жойлаштирилади ва бу шахарни ҳамма томондан яхши қўринишини таъминлайди.

Ахоли яшаш жойларини режалаштиришда ҳал қилиш шарт бўлган мухим масалалардан бири бу қаватлар сонидир. Туар жой биноларининг қаватлар сони одатда иқтисодий, меъморий-шахар қурилиши, социал-маиший ва бошқа талабларни ҳисобға олган ҳолда белгиланади.

Дунё туар жой қурилишида бинолар қаватлар сони бўйича қўйидагича турланади:

- | | |
|-----------------------------|--------------------------|
| - кам қаватли- | 1-2 қават |
| - ўрта қаватли – | 3-5 қават |
| - тўп қаватли – | 9-16 қават |
| - юқори қаватли - | 17-25 қават |
| -ўта юқори қаватли - | 25 қаватдан ортиқ |

Ўзбекистоннинг қишлоқ аҳоли яшайдиган жойларида асосан 1-қаватли ва 2 қаватли индивидуал турар жойлар қурилади. Шахарча туридаги аҳоли яшайдиган жойларда 4-5 қаватли лифтсиз бинолардан ҳам фойдаланилади. Ҳозирги даврда Ўзбекистон шароитида шахар жойларида 4-5 ва 9 қаватли турар жой бинолари бунёд этилмоқда ва фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон шароити яъни сейсмик зонага кириши, иқлими, социал-маиший шароитлар 9 қаватдан юқори турар жой биноларини қуришга имкон бермайди. Юқоридагиларга асосланган ҳолда бизнинг худудимизда 4-қаватли лифтсиз турар ржой биноларини қуриш мақсадга мувофиқдир.

9-қаватли турар бинолари ҳам Ўзбекистон худудида қўйидаги ҳолатлардагина қуришга рухсат этилади:

- аҳоли сони 500 минг кишидан кўп бўлган йирик шахарчада;
- аҳоли сони 250-500 кишигача бўлган ва инженер-геологик шароити мураккаб бўлган жойларда. Бунда майдонларни қурилишга тайёрлаш учун мураккаб инженер-техник ишларни бажариш талаб этилади.
- район марказларидағи 250-500 минг аҳолиси бўлган йирик шахарларда;
- шахар территориясини қатъян кенгайтириш мумкин бўлмаган шахарларда.

Жамоатчилик биноларининг қаватлар сони техник-иқтисодий ҳисоблаш йўли билан, КМҚдан, лойихалаётган обьектларнинг шахар қурилиши талабаларидан, ишловчи хизматчиларнинг иш шароити талабаларидан ва эксплуатация харажатларини рационал миқдоридан келиб чиқиб аниқланади.

Биноларнинг қаватлар сони **қурилиш зичлиги** тушунчаси билан узвий боғлиқдир.

Қурилиш зичлиги қурилиш коэффиценти билан характерланади-курилган бинолар эгаллаган майдоннинг турар жой районининг умумий майдонига (бунга турар жой бинолар эгаллаган ва улар орасидаги майдонлар ҳам киради) нисбати. Бинолар орасидаги майдонлар яшаш хоналарига ҳар кунлик 3-соатлик **инсолиция** таъминлаш санитар талаблари бўйича аниқланади. Санитар майдонлар ўз навбатида қаватлар сони баланд бўлса, ортиб боради.

Масалан: 2-4 қаватли бинолар учун 20000 ммдан 16 қаватли бинолар учун 80000 ммгача. Шунинг учун қурилиш коэффиценти қаватлар сони купайса камайиб боради.

Масалан: бир секцияли 2-4 қаватли турар жой бинолари учун 0,225 дан 16 қаватлилар учун 0,041 гача камаяди. Кўп секцияли турар жой бинолари учун бу рақамлар бир қанча баланд, масалан, 10секцияли 2-4 қаватли бинолар учун 0,352 ва 16 қаватли бинолар учун 0,108 ни ташкил этади.

5-Маъруза.

Тураг жой биноларининг хажмий-тархий ечимлари.

Тураг жой бинолари одамларнинг доимий, вақтинча ва қисқа муддат яшашларига мўлжалланган булади.

Қаватлар сони бўйича тураг жой бинолари **кам қаватли** (1-2 қават), **ўрта қаватли** (3-5 қават), **кўп қаватли** (9-16 қават), **юқори қаватли** (17-25 қават) ва **баланд** (25 қаватдан юқори) биноларга бўлинади.

Функционал белгиланиши бўйича тураг жой бинолари:

- **квартирали тураг жой бинолари;**
- **мехмонхоналар;**
- **ётоқхоналар;**
- **қариялар уйларига бўлинади.**

Квартирали тураг жой бинолари сон жиҳатидан ҳар-хил бўлган оиласларни доимий яшашларига мунжалланган бўлади. Қурилиш характеристига боғлиқ ҳолда улар кам қаватли олдида участкаси билан (қишлоқ жойларидаги шахарча ва қишлоқларда) ва кўп қаватли, кўп квартирали умумий коммуникация тугунига чиқадиган (секция, коридор ва галерия типидаги) тураг жой бинолари

Секцияли тураг жой бинолари тураг жой қурилишида кенг тарқалган бўлиб, у ҳар бири битта зина хонасида бирлашадиган ва ҳар бир қаватда қайтариладиган квартиralар группасидан иборат тураг жой секцияларидан ташкил топади. Қаватдаги квартиralар сони бўйича секциялар икки, уч, тўрт квартирали турларга бўлинади. Секциялар жойлашиш характеристи бўйича улар ўрта ва чекка секцияли бўлади.

Коридорли тураг жой бинолари зина хонаси билан ўзаро боғланган умумий коридорга чиқадиган квартиralар группасини бирлаштиради. Коридорларнинг умумий узунлиги агар бир томондан ёруғлик тушса-20 м, агар икки томондан ёритилса -40 м қабул қилинади. Катта узунликдаги коридорларда кенгайтирилган қисм, холлар қуриш кўзда тутилади. Холлар орасидаги масофа 20 м дан, хона билан коридор охиридаги дераза орасидаги масофа 30 метрдан ошмаслиги шарт. Умуммий узунлиги 60 м ва ундан узун бўлган коридорлар ёнғинга қарши талабларга асосан ҳар 30 метр масофада ўзи беркиладиган эшикли юпқа деворлар билан ажратилади. Коридорли тураг жой биноларига кам сонли (1-2 одам) оиласларни ва якка одамларга мўнжалланган квартиralарни жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Галареяли тураг жой бинолари зина хонаси билан ўзаро боғланган бир томонлама очиқ ёки олди ойнакланган галареяга чиқадиган квартиralар йифиндисидир. Бундай тараф жой бинолари жуда иқтисодли бўлиб, фақат жанубий районлар учун қуриш мақсадга мувофиқдир.

Мехмонхоналар умумий, саёҳат ва курорт турларга бўлиниб, улар одамларнинг қисқа муддат яшашларига мўнжалланган бўлади. Умумий мехмонхоналар 15, 25, 50, 100, 200, 300, 400, 500, 800, ва 1000 ўринли, саёҳат ва курорт мехмонхоналар 300, 500, 800, ва 1000 ўринли килиб лойихаланади.

Мехмонхона биноларини меъморий-режавий ечимига коридор типидаги яшаш кисми ва хизмат кўрсатиш блоки киради. Яшаш қисмининг асосий режавий элементи бир, икки, уч ва тўрт ўринли яшаш хоналаридир. Курилиш меъерий коидаларига асосан бир ўринли хоналар 9m^2 , 2 ўринли хоналар 12m^2 , 3 ўринли хоналар 15m^2 ва 4 ўринли хоналар 18m^2 лойихаланади.

Умумий ётоқхоналар ўқиши давомида талабаларнинг вақтинчалик яшашлари учун мунжалланган булади. Ётоқхоналар секцияли ва коридорли биноларга жойлаштирилади. Асосий режавий элемент бўлиб, ҳар бир одамга меъёр бўйича 6m^2 майдон белгиланган 2-4 кишилик яшаш хоналари ҳисобланади. Ҳар бир қаватда машғулотлар ўтказиш ва хизмат кўрсатиш хоналари лойихаланади. Қарияларни уйлари қарияларни, саломатлиги ёмонлиги сабабли ҳар куни майший ва медицина хизматига муҳтож якка ва эр-хотинларни доимий яшашларига мўнжалланган бўлади. Яшайдиган қария одамларнинг сонига қараб қариялар уйлари 2 турда лойихаланади: умумий-соғлом қариялар учун ва қасалхона-носоғлом қариялар учун. Соғлом қариялар учун бир ва икки кишилик $12-18\text{ m}^2$ яшаш ва хизмат кўрсатиш хоналари, носоғлом қариялар учун эса 1, 2,3 ва 4 кишилик хоналар лойихаланади.

Яшаш хоналарига қўйиладиган талаблар. Квартира таркиби яшаш хоналари (умумий хона ва ётоқхона), ёрдамчи хоналар (кириш йўлаги, ошхона, юваниш хонаси, хожатхона, хўжалик омбори ёки хўжалик шкафи), ёзги хоналар (балкон, лоджа, веранда) киради.

Ҳар-хил таркибдаги (оиладагилар сони, ёши, жинси ва қариндошлик алоқаси) оилалар квартираларга жойлаштирилганда улар меъёр асосида хоналар миқдори ва етарли ўлчамдаги умумий ва яшаш майдонлари билан таъминланади.

Хозирги давргача Республикаизда меъёр бўйича ҳар бир одамга 9m^2 яшаш ва $14,5\text{ m}^2$ умумий майдон лойихалаб келинган, энди эса ҳар бир одамга 12m^2 яшаш майдони ва 18m^2 умумий майдон лойихалаб, қурилмоқда. Келажакда квартираларни лойихалаш талабаларидан келиб чиқиб, умумий хоналарда ётиш ўрни жойлашмаслиги шарт. Тўрт кишилик оиласда Ётоқхоналарга оила аъзоларини жойлаштиришда демографик таркиб бўйича битта ётоқхонага бир хил жинсдаги 2 та оила аъзосини жойлаштиришга рухсат этилади. Кўп хонали квартираларда 2 та санитар хона жойлаштириш мақсадга мувофиқ: ошхона олдида-хожатхона қўл ювгич билан, ётоқхона олдида-ванна ёки душ умивальник билан.

Умумий хоналар 2 хонали квартираларда 15 m^2 дан, 3 хонали квартираларда 16m^2 дан, 4 ва 5 хонали квартираларда 18m^2 дан кам бўлмаган ҳолатда лойихаланади. Ётоқхоналар майдони ота-оналар учун 12 m^2 дан ва болалар ҳамда оиланинг бошқа аъзолари учун 8m^2 дан кам бўлмаслиги керак. Яшаш хоналарининг чуқурлиги унинг кенглигини иккиланганлигидан ортиқ бўлмаслиги шарт.

6-маъруза

Жамоатчилик биноларининг асосий турлари ва уларнинг меъморий режавий ечимлари

Жамоатчилик бинолари одамларга оммавий хизмат кўрсатишига мўлжалланган бўлади. Хизмат қўрстиш соҳаси бўйича «Қурилиш меъёр ва қоидаси»га асосан улар қўйидаги тўрларга бўлинади:

-соғлиқни сақлаш, спорт соғламлаштириш ва социал таъминот бинолари (касалхоналар, санаторийлар, дам олиш уйлари, спорт майдонлари, сузиш иншоотлари ва бошқалар);

-таълим, маданият, санъат бинолари (болалар боғчаси, мактаблар, олий ўкув юртлари, КХК, академик лицейлар, концерт заллари ва бошқалар);

- фан ва фанга хизмат кўрсатувчи бинолар (илмий текшириш институтлари, конструктор бюоролари ва бошқалар);

- молия, страховка, банк бинолари;

- бошқарув, жамоатчилик ва партия ташкилоти бинолари;

- коммунал хўжалик ва майший хизмат бинолари (хаммол, кир ювиш, сартарошлиқ, кийимларни тозалаш, буяш ва бошқа бинолар);

- алоқа ва таранспорт бинолари (темир йул вокзаллар, бондаргохлар, автобус вокзаллари ва бошқалар);

Ўзбекистонда жамоатчилик бинолари 2-19 қават лойихаланиб, асосий хизмат кўрсатиши бинолари 4-қаватгача, меҳмонхоналар 19 қаватгача лойихалаб қурилмоқда. Дунё амалиёти да меҳмонхоналар 30 ва ундан ортиқ қаватлидир. Жамоатчилик бинолари жойлашиш территорияси бўйича шахар, район, кичик район миқёсида бўлади. Ахолига хизмат кўрсатиши шароитини яхшилаш мақсадида жамоатчилик биноларни лойихалаш жараенида кейинги этапда қуриладиган турар жой биноларини ҳам ахолисини хисобга олиш керак. Жамоатчилик бинолари майдони ҳар бир одамга $0,3\text{ m}^2$ бўлиши «Қурилиш меъёри ва қоидалари»да белгиланган.

Шахар ва қишлоқларда ёппасига қуриладиган жамоатчилик бинолари унификацияланган бир-бирини ўрнини алмаштириш мумкин бўлган завод шароитида тайёрланган элеметлар асосида типовой лойихалар бўйича, мураккаб бинолар эса индивидуал лойихалар бўйича қурилади.

Қатор қўйиладиган умумий талаблардан ташқари жамоатчилик бинолари катта миқёсдаги маҳсус ёнгин хавфсизлиги ва санитар талабларни эгаллаган бўлиши, яхши қўриш ва эшитиш ва бундан ташқари баҳтсиз ходисалар руй берганда одамларни хавфсиз эвакуация қилиш таъминланган булиши керак

Белгиланган меъёrlарга асосан I-II даражали ёнфинга чидамли бинолардан одамларни эвакуация қилиш давомийлиги: алоҳида хоналардан 1,5-2 минут, ҳамма бинолардан -6 минут бўлиши шарт. Зал хоналарида қўриш талаблари ўриндик қаторларини қиялик билан жойлаштириш оркали амалга оширилади. Бунда ўлтирган томошабиннинг қўз сатхи тоза полдан 1150 мм, олдинда ўлтирган томошабиннинг бошини юқори нуктасидан оркада ултирган томошабин қўз сатхигача бўлган масофа 120-150 мм ташкил этиши шарт.

Жамоатчилик биноларининг хажмий-режавий ечимлари кўп хил бўлишига қарамасдан куйидаги учтаси асосий композиция хисобланади:

- 1. Коридор туридаги**
- 2. Зал туридаги**
- 3. Анфилад туридаги.**

Коридор туридаги композицияда қатор хоналар (ишли хоналар, палаталар, умумий ётоқхоналар) умумий коридор билан бирлашади.

Зал туридаги хажмий-режавий ечимларда марказий композицияни асосий ўзаги заллардир (томуша, савдо, ўқиш, кўргазма ва бошқалар), қолган хоналар асосий ўзак атрофида жойлашади.

Анфилад композицияда кетма-кет жойлашган хоналар йўлак вазифасини ҳам бажаради: бундай композиция музей хоналарига ва йириқ универмагларга яъни экспонатлар билан танишиш учун кетма-кет айлана харакат талаб қиласидиган хоналар учун характерлидир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган композициялардан ташқари аралаш композициядан ҳам фойдаланилади. Биноларнинг ички фазовий композицияси (интерьер) унинг умумий хажмий фазовий ечими билан уйғунлашиб кетган бўлиши шарт.

Жамоатчилик биноларининг хоналарини қуйидаги группаларга бўлиш мумкин:

- 1. асосий**
- 2. ёрдамчи**
- 3. хизмат**
- 4. коммуникация хоналари.**

Жамоатчилик биноларининг асосий хоналари бош функционал вазифасига асосан лойихаланади. Бундай хоналарга ўқув биноларнинг синф ва аудиториялари, театр, музей, магазинларнинг заллари ҳамда маъмурий биноларнинг иш хоналари киради.

Ёрдамчи хоналар тўғридан-тўгри асосий хоналар билан боғлиқ ҳолда жойлашиб, бинонинг асосий вазифаси жараёнларини бажаришга хиссасини қўшади. (цирк ва театрларнинг файелари ва бошқалар).

Хизмат хоналари бинодаги одамларни санитар-гигиеник талабларини (буфетлар, чекиш ва санитар хоналар, хизматчиларга мўнжалланган хоналар ва бошқалар) таъминлайди.

Бунда санитар хона хожатхона ва унга ўтадиган хонада жойлашган умивальникдан ташкил топади. Санитар жиҳозлар-унитаз, писсуар, умивальниклар сони бинодаги одамларни сонига асосан ҳисоблаб аниқланади. Санитар хоналар билан одамларнинг энг ўзок бўлишлари мумкин бўлган жойгача бўлган масофа 75 метрдан ошмаслиги шарт.

Коммуникация хоналари жамоатчилик биноларини хоналарини бирбири билан ва қаватларни ўзаро боғлашга мунжалланган бўлади. Улар таркибига коридорлар, галареялар, зиналар, лифтлар ва бундан ташқари

коммуникация боғланишлар ва тугунлар (холлар, вестибюллар, тамбурлар) киради.

Жамоатчилик биноларининг тамбур, вестибюл, гардероб ва баъзи холатларда зина ва санитар хоналардан иборат кириш тугунлари меъёрга асосан одамлар оқими бир хил бўлган бинолар учун битта одамга $0,15\text{-}0,20 \text{ м}^2$, одамлар оқими бир хил бўлмаган биноларда $0,25\text{-}0,35 \text{ м}^2$ лойихаланади. Каридорларнинг зиналар орасидаги (бинога кириш тугуни) узунлиги 40 метрдан ошмаслиги шарт.

Турар жой биноларида санитар-техник жихозлар жойлаштириш

Санитар хоналар икки, уч, тўрт, беш хонали квартиralарда алоҳида (ванна, хожатхона) ва бир хонали квартиralарда аралаш битта хонага лойихаланади. Ювениш хоналари ва хожатхоналарни яшаш хоналар усти ёки остига жойлаштириш, санитар-техник приборларни ташқи деворлар томонига ўрнатиш рухсат этилмайди.

Турар жой биноларининг ошхона жихозлари таркиби газли, электрли ёки қаттиқ ёнилғили), идиш ювиш жихози, музлаткич, идиш ювиш жихози ости шкафи, полга ўрнайдиган ва осма шкафлар, бундан ташқари овқатланиш мебеллари группаси киради.

Ошхоналар ўлчами санитар-техник жихозлар группасини яъни музлаткич ва ошхона мебелларини жойлаштиришга етарли даражада бўлиши керак. Ошхона жихозларини бир қаторли жойлаштирилганда унинг кенглиги 190 смдан, икки қаторли ва бурчак остида жойлаштирилса 230 смдан, газ плита билан жихозланган ошхонани ўлчами 7 м^2 дан кам бўлмаган ҳолатда лойихаланади.

Агар ошхона электр плита билан жихозланган бўлса, унга умумий хонадан кириш эшиги лойихаланади. Бундай ҳолатда кириш йўлаги ёки йўлак билан боғланиши учун иккинчи эшик ҳам ўрнатилади. Ошхона жихозларини умумий жойлашиш узунлиги овқат тайёрлаш жараёнини кетма-кетлигига (сақлаш-ювиш-тўғраш-пишириш) асосан 270 см дан кам бўлмаслиги шарт (музлаткич, ювиш жихози, ошхона столи, плита).

Ошхона жихозлари тўплами алоҳида жихозлардан йиғилади. Бунда газ ёки электр плитаси ва ювиш жихози қурилиш смета нархига киради ва қурилиш жараёнида ўрнатилади. Ошхона мебеллар туплами квартирада яшайдиганлар томонидан сотиб олиб, ўрнатилади. Ҳозирги даврда ошхона жихозлари битта хажмий блок сифатида завода тайёрланмоқда. У плита, ювиш жихози, тўғраш ва ишчи столи ва музлатгичдан иборат бўлиб, меҳмонхона туридаги кам оиласи ва бир кишилик хонадонларга ўрнатилади.

Кишлоқ жойларида маҳаллий шароитга ва муҳандислик жихозларини системали ташкил қилинишига асосланиб, ошхоналар қўйидаги санитар-техник жихоз турлари билан таъминланиши мумкин: газ плитаси билан, газ плитаси ва сув иситгич билан, газ ёки суюқ ёнилғи билан ёнадиган иссиқлик таъминоти жихози билан (котёл), қаттиқ ёнилғи билан ёнадиган плита билан.

7-Маъруза

Режа.

1. Фуқаро биноларининг юк кўтарувчи таянчлари.

- а) умумий маълумотлар.
- б) юк кўтарувчи деворли каркасиз конструктив схемалари.
- в) каркасли конструктив схемалар.
- г) хажмий элементли бинолар

2. Асос ва пойдеворлар.

- а) асослар.
- б) пойдеворлар.

Умумий маълумотлар. Ҳар хил турдаги доимий (бино элементларини ўз оғирлигидан), вақтинчалик юкламаларни ҳамда таъсиrlарни (температура, климатик ва бошқалар) қабул қиласиган бино конструктив элементларининг (пойдеворлар, деворлар, устунлар ора ёпма ва том ёпмалар) мажмуи биноларнинг юк кўтарувчи таянчлари ҳисобланади.

Биноларнинг юк кўтарувчи таянчлари мустаҳкамлик, бикрлик, чидамлилик ҳамда ёнғин хавфсизлиги ва узоқ хизмат қилиш талабларига жавоб бериши шарт. Бундан ташқари улар иқтисодий ва индустрлаштириш талабларини қондириши керак.

Фуқаро биноларининг юк кўтарувчи асослари ҳисобланган элементларини вертикал ва горизантал жойлашиш характеристини унинг конструктив схемасига асосан аникланади. Конструктив схемалар бинонинг қаватлар сони ҳамда турли табиий- климатик шароитларда фойдаланиш характеристига асосланиб, белгиланади. Фуқаро биноларининг асосий конструктив схемалари қўйидагилар: **юк кўтарувчи деворли (каркасиз), юк кўтарувчи каркасли (каркасли) ва хажмий блоклардан ташкил топади.**

Биноларнинг юк кўтарувчи конструкциялари яхлит бетондан, йиғма конструктив элементлардан ва донали материаллардан бажарилиши мумкин. Майда элементлар (ғишт, табиий тошлар, майда блоклар), йиғма конструктив элементлар (устун, ригел, пойдевор блоклари) қолипларсиз амалга оширилса, аксинча яхлит бетондан тайёрланадиган конструкциялар қолиплар ёрдамида ишлаб чиқарилади. Бунда энг индустрисиал йўналиш йирик панелли туар жой қурилишидир. Курилишнинг бу усули қурилиш таннархини 6-8 % га, қурилиш майдонидаги меҳнат сарфини 30-40 % га, қурилиш муддатини 1,5-2 марта камайтиришга имкон беради.

Юк кўтарувчи деворли каркасиз конструктив схемалар.

Ора ёпмалар монтаж килинадиган юк кўтарувчи деворлар бинода жойлашишига боғлиқ ҳолда улар бўйлама ёки кундаланг бўлиши мумкин. Бўйлама юк кўтарувчи деворли каркасиз конструктив схемаларда асосий юк кўтарувчи деворлар бинонинг бўйи бўйлаб, кўндаланг юк кўтарувчи деворли конструктив схемаларда бинонинг асосий юк кўтарувчи деворлари кўндаланг

жойлашади. Бундан ташқари бўйлама ва кўндаланг ўқлар юк кўтарувчи бўлган аралаш каркасиз схемалардан фойдаланиш ҳам кенг тарқалган. Туар жой қурилишида юқорида келтирилган учта каркасиз конструктив схемалар кенг фойдаланилади. Майда элементлардан ва йирик блоклардан қуриладиган туар жой ҳамда жамоатчилик биноларида энг кўп қўлланиладиган конструктив схема 3 та бўйлама юк кўтарувчи деворли схемадир. Бу схемада 2 та юк кўтарувчи деворлар ташқи ҳамда 1 та юк кўтарувчи девор ички девор хисобланади.

Каркасли конструктив схемалар. Каркасли конструктив схемаларнинг юк кутарувчи таянчлари булиб, ташқи ва ички юк кўтарувчи тик таянч устунлар (каркаснинг тик қисми), горизонтал ригеллар (прогонлар), ора ёпмалар ва бикрлик диаграммалари (боғловчилар) ҳисобланади.

Каркасли конструктив схемалар қуйидагича турланади: бино- нинг буйи бўйлаб жойлашадиган бўйлама ригелли тўла каркаслар: бинонинг эни бўйлаб жойлаштирилган кўндаланг ригелли тўла каркаслар; ригелнинг бир томони темир бетон устунга ёки ғиштли устунга ва бир томони юк кўтарувчи деворга таянадиган ярим каркаслар; регелсиз тўла тик каркасли (бунда ора ёпмаларни тўрта бурчаги устунлар капиталига махкамланади); регелсиз ярим тик каркасли (бунда ора ёпмаларни 2 учи устунларга ва 2 учи деворларга таянади):

Каркаслар икки, уч ва кўп қулоқли бўлади. Улар яхлит бетондан ёки завод шароитида тайёрланган конструктив элементлардан бажарилиши мумкин. Каркас бинолар учун асосий материал бўлиб, темир бетон ҳисобланади.

Хажмий элементли бинолар. Хажмий элементли бинолар завод шароитида тўла пардози ва санитар-техник жиҳозларни монтаж қилинган каробкасимон блок хоналардан ёки улар группасидан қурилади.

Биноларнинг ташқи девор қисмлари кўп қаватли қилиб тайёр- ланади (мисол учун, бетон-иссиқ химоя қатлами, ташқи химоя-пардоз қавати ва ички пардоз қавати). Шунингдек, бир жинсли материалдан тайерланган деворлар бушликсиз ёки бўшлиқли булиб, одатда ички деворлар ва ора ёпмалар бир жинсли материаллардан тайерланади. Блоклар бир-бири билан пайванд деталларини пайвандлаш йўли билан бирлаштирилади. Чокларни терматизацияси резинали қувур ёки паразолдан тайёрланган жгут прокладкалар билан бажарилади.

Асос ва пойдеворлар

Асослар. Асос деб пойдевор остида жойлашиб, бино ва иншоотлардан тушадиган юкламаларни қабул қиласидиган грунт массивига айтилади.

Грунтларнинг тури, уларнинг хусусияти ва юк кўтариш қобилияти (босими, тик тушадиган юкламаларга бардошлилиги) кўп қирралидир. Асосий грунтлар тўрт групага бўлинади: қояли, йирик тошли, қумли ва тупроқли (булардан ташқари чукувчи грунтлар группаси ҳам мавжуд).

Грунтларнинг механик хусусияти бирлик хажмдаги грунтга нисбатан унинг хусусияти ва асосий таркибининг ўлчамлари орқали аниқланади. Грунтларнинг асосий характеристикаларига гранулометрик таркиби,

солиширма оғирлиги ва зичлиги, намлиги, котиш ва окиш чегараси (таҳлил йўли билан аниқланади) киради.

Грунтларнинг говакли коэффиценти, намлиги, эгилувчанлиги маҳсус формулалар орқали ҳисобланадиган ишлаб чиқариш характеристикалари ҳисобланади

Асос кузгалмайдиган, грунт сувларнинг зарарли таъсиридан ҳимояланган, етарли даражада юк кўтариш қобилиятига эга бўлиши шарт. Юкламалар таъсирида пойдеворларнинг чўкиш катталиги ва нотекислиги меъёрий катталиқдан ошмаслиги шарт.

Асослар **табиий ва сунъий** бўлиши мумкин.

Табиий асослар. Табиий асосларга ҳеч қандай олдиндан мураккаб тайёргарликсиз бино ва иншоотларни қуриш мумкин.

Сунъий асослар. Бундай грунтлар таркиби сунъий ўзгартирилган бўлади. Сунъий асослар бўш грунтларни (кумлар, чукувчи грунтлар ва бошқалар) механик мустахкамлаш, грунтлар остига турли хил қоришмалар юбориш (цементлаш, битумлаш ва бошка усуслар куллаш) йўли билан ҳосил қилинади.

Пойдеворлар

Пойдеворларнинг асосий вазифаси биноларнинг юкорсида жойлашган элементларидан тушадиган юкламаларни қабул қилиб, асосга узатишдан иборатdir. Пойдеворнинг материали мустахкам, сув ўтказмайдиган, коррозияга чидамли булган холда узоқ йиллар хизмат қилиши шарт. Уларни тайерлашда асосан бетон ва темирбетондан фойдаланилади.

Пойдеворнинг асосий юк кўтарадиган девори ва ёстиғи унинг элементлари ҳисобланади. Пойдеворлар кенглиги деворларга нисбатан 2 томонидан 50-60 мм кенгроқ олинади. Пойдевор устида девор уриладиган вақтда улар орасига намдан ҳимоя қатлами ҳосил қилинади. Пойдевор остини атмосфера сувлардан ҳимоялаш учун -0,50 саноқдан баланд бўлмаган сатҳда бинонинг периметрии буйлаб 1-10% қияликда асфальтли бетондан отмостка ҳосил қилинади.

Пойдеворлар чуқурлиги комплекс талаблар асосида аниқланади: асосга тушадиган норматив юклама катталиги, ҳисобий юклама, грунт структураси, музлаш чуқурлиги, грунт сувларини сатҳи, ертўла бор-йўқлиги ва бошқалар. Пойдеворлар чуқурлиги грунтларнинг музлаш чуқурлигидан пастда олинади, аммо, 500 ммдан кам бўлмаслиги шарт. Ертўла бўлган ҳолатларда ертўла полидан пойдевор остига бўлган масофа 200-500 ммгача олинади.

Пойдевор конструктив схемасига кура куйидаги асосий турларга булинади:

- алоҳида стакан туридаги;
 - лентасимон;
 - бутун юза бўйлаб;
 - қозиқсимон ;

Столбасимон пойдеворлар донали материаллардан, (ғишт еки тошдан), яхлит ва йиғма темирбетондан бажарилади. Энг кўп қўлланиладиган

индустрисал стакансимон пойдеворлар устунлар остидаги стакан ва ёстиқчадан таҳкил топади.

Лентасимон пойдеворлар биноларнинг периметри бўйлаб ҳамма асосий деворларни остида жойлашади.

Бутун юза бўйлаб қуйиладиган пойдеворлар одатда мустахкам бўлмаган, ер ости сувлари яқин жойлашган грунтларда ва баланд юқори қаватли бинолар остида қўлланилади.

Қозиқсимон пойдеворлар ботқоқ ва доимий муз районларда юкламаларни асосий грунтга узатиш учун қўлланилади. Бундай пойдеворларни иқтисодий жиҳатдан унумлиги сабабли оддий грунтларда ҳам фойдаланилмоқда. Қозиқсимон пойдеворлар одатда қозиқдан ва юқоридан тушадиган юкламаларни қабул қилиб, қозиққа узатадиган ростверкадан (қозиқларни учлари бирлаштирилиб, ҳосил қилинган ригел) юқоридан тушадиган юкламаларни қабул қилиб, қозиққа узатадиган ростверкадан иборат бўлади.

Қозиқсимон пойдеворлар(бетон, темирбетон, металл) қаттиқ грунтга таяниши еки *козик енларини* грунтга каршилиги хисобига осилиб туриши мумкин.

Кўндаланг кесим юзасини кўриниши бўйича улар **юмалок, тўғри тўртбурчак, кўпбурчакли** булади. Ҳосил килиш усули бўйича қокиладиган ва грунтни қозиқ шаклида ковлаб, бетон қувиш йўли билан ҳосил килинадиган турларга булинади

Пойдеворларни нам ва сувдан ҳимоялаш.

Бинолар ичига сув киришини олдини олиш мақсадида горизонтал намдан ҳимоя қатлами қилиш кўзда тутилади. Бунинг учун пойдевор ва девор орасига намдан ҳимоя қатлами (толь ёки рубероид) тушалади. Грунт сувлари ер устига яқин жойлашиб, ертўла кузда тутилган бўлса, пойдевор ташкарисидан вертикал (ёпишириладиган, бўяладиган битумли) намдан ҳимоя қатлами бажарилади. Агар грунт сувларини сатхи ертўла полидан 0,8 метрда жойлашган бўлса, пол остидан ҳам намдан ҳимоя қатлами қилинади.

8-маъруза **Фуқаро биноларининг деворлари**

Режа:

- 1. Умумий маълумотлар.**
- 2. Девор элементлари.**
- 3. Майда элементли деворлар.**
- 4. Йирик блокли деворлар.**
- 5. Йирик пенелли деворлар.**

1. Умумий маълумотлар. Деворлар биноларни асосий юк кўтарувчи ва ўраб турувчи конструкцияси ҳисобланади. У мустахкам, бикр, чидамли бўлиган холда ёнгинга чидамли ва ўзоқ хизмат қилиш хусусиятларини эгаллаган бўлиши, кам иссиқлик ўтказадиган, иссиққа чидамли, етарлича ҳаво ва товуш ўтказмайдиган ва булардан ташқари иқтисодли бўлиши шарт.

Деворлар юкламаларни қабул қилиши ва уни узатиш характери бўйича **юк кўтарарадиган, ўзини-ўзи кўтарарадиган ва осма (каркасли биноларда)** турларга бўлинади.

Юк кўтарувчи деворлар шамол таъсиридан бўладиган юкламаларни, шунингдек, ора-ёпма ва том ёпмалардан тушадиган юкламаларни қабул қилиб, пойдевор орқали асосга узатишда биноларнинг мустахкамлигини, бикрлигини ва чидамлилигини таъминлаши шарт.

Ўзини-ўзи кўтарарадиган деворлар шамолдан, ўз оғирлигидан ва юқорида жойлашган девор қисмларидан тушадиган юкламалар таъсиридан ўзининг мустахкамлигини, бикрлигини ва чидамлилигини сақлаб қолиши керак.

Осма деворлар фақат хоналарни атмосфера таъсиридан (совук, шовқин) ҳимоя қилишга мунжалланган бўлиб, уларнинг конструкцияси иссиқни ҳимоя қатламлари билан кўп қаватли қилиб ҳимояланади. Улар одатда шамолдан ва ўз оғирлигидан пайдо бўладиган юкламаларни ҳар бир панел ўзи бинонинг юк кўтарувчи каркасига ўзатади.

Деворлар биноларда жойлашиш характерига кўра бинонинг ўраб турадиган-ташқи ва бинолар ички кенглигини хоналарга бўладиган ички деворларга бўлинади.

Ишлатиладиган материалига кўра улар ёғочли, тошли материаллардан, бетондан, темирбетондан ва кўп қаватли (иссиқни ҳимоя қилиш қатлами сифатида юқори унумдор иссиқ ҳимоя материалларидан фойдаланиб, бир неча қаватли) бўлади.

Куриш усули бўйича майда элементлардан териш ва қолип ёрдамида қўл кучи билан хосил қилиш хамда йирик элементлардан ва хажмий блоклардан монтаж қилишга бўлинади.

2. Девор элементлари

Цоколь – ташқи деворнинг тўғридан-тўғри пойдевор устида жойлашган қуйи қисми. Цокол одатда тез-тез механик, температура ва намлик таъсириларига учрайди, шунинг учун у одатдан ташқари ўта мустахкам ва узоқ муддатга бардошли материаллардан (ёки мустахкам материал билан кошинланади) қилинади.

Оралиқ деворлар (простенка) - дераза ва эшик ўринлари орасида девор участкаси. Оралиқ деворлар қаторлашган (рядовой- 2 та дераза ўрни орасидаги) ва бурчакли (деворларни бурчагидаги) турларга бўлинади.

Дераза ва эшик усти тусини (перемичка) деворлардаги дераза ва эшикларни устини беркитадиган балка ёки арка шаклида конструктив элемент бўлиб, улар юқоридан тушадиган юкламаларни қабул қилиб оралиқ деворга узатади.

Сейсмик белбоғ - биноларни сейсмик мустахкамлигини таъми нлаш учун асосий деворларнинг ора ёпма ва том ёпмалар сатхидаги девор устига қўйиладиган темир бетон элементи.

Карнiz – бино деворларни атмосфера ёғинлар таъсиридан химоялаш учун девор текис юзасидан горизонтал йўналиш бўйича ғиштдан чиқариб урилган устирма.

Парапет – карнiz устида жойлашган девор қисми бўлиб, у томнинг периметри бўйлаб урилади. Парапет томдаги шамол- латиш шахта қувурлари ва бошқа томдаги элементларни тушиб туради.

Плястрлар – деворнинг вертикал йуналиш бўйича кенгайган қисми бўлиб, у деворни мустахкамлигини ошириш учун ғиштдан, бетондан, темирбетондан ора ёпма ва том ёпма элементлари таянадиган жойларда ҳосил қилинади.

4. Майда элементли деворлар.

Бундай деворлар сопол ва сликатли ғиштлардан, табиий ва сунъий тошлардан терилади. /ишт деворлар асосан 1,5; 2,0; 2,5 ғишт қалинлигига бўлади. Оддий 250x120x65 улчамдаги ғиштлардан деворлар урилганда 380; 510; 640 мм бўлади. /иштлар чокларни бир-бирига боғлаш қоидасига амал қилган ҳолда цементли ёки охакли қоришималар ёрдамида терилади. /ишт чокларини бир-бирига боғлашда занжирли (навбати билан ҳар қаторда ғиштларни бўйлама ва кундаланг териш) ва кўп қаторли (5 қатор бўйлама териш бир қатор кундаланг териш билан алмашади) усусларидан фойдаланилади.

/ишт деворлар тўла ёки енгиллаштирилган бўлади. Енгиллаштирилган ғишт теримда деворнинг ички ва ташқи томонлари 0,5 ғиштдан терилади ва ўртаси қўруқ тулдирувчи билан тўлдирилади ёки тўлдирувчи сифатида керамзит, шлакдам фойдаланиб, тайёрланган бетон қуйилади. Бундай деворларда ички ва ташқи ғишт теримлар ҳар 500 мм да 0,5 ғиштли перпендикуляр терим билан боғланади. Деворларни ғиштдан териш жуда кўп меҳнат талаб этади, аммо фойдаланиш сифати юқоридир.

Майда блокли деворлар 5 қаватгача бўлган биноларда ғиштли деворларга солиширилганда нисбатан кам меҳнат талаб этади. Чунки блоклар оддий ғишт хажмига нисбатан бир неча баровар каттадир.

Майда блоклар енгиллаштирилган ғовак ва тўла юзали бўлади. Енгиллаштирилган блоклар улчами 390x190x190 мм ва тўла юзали блоклар улчами 250x250x140 мм бўлади. Енгиллаштирилган ғовак блокли деворлар тўла юзали блокли деворларга нисбатан иссиқлик техника хусусияти бир хил бўлган ҳолда оғирлиги енгил ва қалинлиги ҳам камдир. Бироқ енгиллаштирилган ғовакли блоклардан 3-4 қаватдан юқори бинолар қуриш мумкин эмас.

Йирик блокли деворлар

Бундай деворлар оғирлиги 3 тоннагача бўлган (қалинлиги 300, 400, 500, 600 мм) сунъий ва табиий блоклардан қурилади. Сунъий йирик блоклар енгил, ячейкали, сликатли ва бошқа бетонлардан, ғиштдан ва керамик тошлардан тайёрланади. /иштли блоклар тўла юзали ва енгиллаштирилган ғовак ғиштлардан ғишт девор тарзида 250, 380, 510, 640 мм калинликда ишлаб чиқарилади. Блокларни ўрнатишда битта қаватга 2 қаторлиги энг кўп тарқалганидир. Аммо уч ва тўрт қаторли ҳам бўлиши мумкин. Блоклар номенклатурасида бўйлама юк кўтарувчи деворни конструктив схема ишлаб

чиқилған бўлиб, унга қўшимча ички деворлар ва муҳандислик коммуникация (санитар-техник, электротехник, тутун вентиляция панелли блоклар) блоклари ҳам ишлаб чиқарилади.

Йирик блоклар ташқи томондан безакли плиталар ёки декоратив бетон билан пардозланади, чоклар эса цементли қоришма билан беркитилади. Ташқи деворлар учун четвертли блоклар, ички деворлар учун эса пазали блоклар қўлланилади. Вертикал чоклар резина прокладка ёки поризол жгутлар билан тўлдирилиб, иссиқлик ва товуш ҳимоялаш хусусияти таъминлангандан сўнг, чоклар қоришма ёки бетон билан тўлдирилади.

Йирик панелли деворлар

Йирик панелли деворлар чокларини бир-бири билан боғламасдан ўлчами хона ўлчамига тенг бўлган бир ва кўпқаватли, ички ва ташқи панеллардан монтаж қилинади. Панеллар ўлчами кенглиги бўйича 3 М модул (2400, 2700, 3000, 3300, 3600 мм), баландлиги бўйича эса қават баландлигига тенг қабул қилинади. Хоналарни шамоллатиш учун маҳсус ҳаво юрадиган вертикал каналли панеллардан фойдаланилади.

Ишлаш характери бўйича панеллар ўз оғирлигидан, ора ёпмадан ва томдан тушадиган юкламаларни қабул қиласиган юк кўтарувчи; ўз оғирлигидан ва юкори қаватларда жойлашган девор панелларидан тушадиган юкламаларни қабул қиласиган ўзини кўтарадиган; оғирлигидан тушадиган юкламани бино каркасига узатадиган каркаслар орасига тўлдирилган иссиқ ҳимоя қилувчи осма деворларга бўлинади.

Каркасли биноларда асосан осма панеллар қўлланилади. Панеллар бино фасадида жойлашиш ўрнига кўра цокол, қаторлашган дераза ва эшик ораси, дераза ва эшик усти ва карнис турларига бўлинади. Панеллар конструкцияси бир қаватли ёки кўп қаватли яъни бир ёки икки қават юк кўтарувчи ва иссиқлик ҳимоя қатламидан иборат бўлиши мумкин. Ташқи деворлар учун фойдаланиладиган бир қаватли панелларни тайёрлаш осон ва умуман келажаги бор. Улар одатда енгил ёки ячейкали бетондан тайёрланади. Икки қаватли панеллар юк кўтарувчи қаватдан (70-120 мм) ва иссиқ ҳимоя қатламидан (купикли бетон, газли бетон ва бошқалар), уч қаватли панеллар эса бир-бири билан пўлат арматуралар билан ўзаро боғланиб, ўртаси иссиқ ҳимоя материали билан тўлдирилган 2 та юк кўтарувчи қаватдан ташкил топади. Панеллар ички ва ташқи томонидан рангли цемент билан пардозланган, керамик плита ва бошқа материаллар билан пардозланган ҳимоя пардоз (20-70 мм) қатламларга эгадир. Кўп қаватли юк кўтарувчи панелларнинг юк кўтарувчи қаватлари темир бетондан (темир бетон панеллар учун) бажарилади. Ички деворлар учун фойдаланиладиган панеллар иссиқлик ҳимоя қатламисиз тайёрланади. Йирик панелли тураг жой биноларида хоналарни микроклимати ва шинамлиги чокларни мустахкамлиги ва панеллар орасидаги чокларни қандай шароитда ямалишига боғлиқ бўлади. Чоклар герметик бўлиши, ҳаво ўтмаслигини таъминлаши ва етарли даражада иссиқ ва товушдан ҳимояланган бўлиши шарт. Панеллар бир-бири билан ва ора ёпма билан боғлаш пайванд деталларини пайвандлаш ва бетонлаш билан амалга оширилади. Панеллар орасидаги горизонтал ва вертикал чоклар резина жгут ва бошқа резина маҳсулотлари билан герматизация қилинади ва уни устидан цементли қоришма билан сувалади.

Биноларни йирик ўлчамли элементлардан тиклаш уларнинг йиғмалик фоизини оширади, меҳнат сарфини камайтиради, бажариладиган ишлар сонини қисқартиради ва қурилиш сифатини оширади.

Маъруза

Фуқаро биноларининг ора ёпма ва поллари

Режа:

1. Ора ёпмалар
2. Поллар
3. Ора ёпма ва поллар ҳосил қилишнинг алоҳида хусусиятлари.

1. Ора ёпмалар. Ора ёпмалар биноларни баландлик бўйича қаватларга бўлган ҳолда юк кўтарувчи ва товушдан ҳимояловчи функцияларни бажаради. Улар қаватлараро, чордоқ ости ва ертўла усти ора ёпмаларга бўлинади. Каватлараро ора ёпмалар товуш ўтказмайдиган, чордоқ ости ва ертўла усти ора ёпмалар эса иссиқлик ўтказмайдиган бўлиши шарт.

Қаватлараро ора ёпмалар қўйидаги элементлардан ташкил топади: юк кўтарувчи конструкциялар (балка ёки плита), пол, потолок ва тўлдирувчи (қаватлараро ора ёпмалар-товушдан ҳимоя қатлам: чердак ости ва ертўла усти ора ёпмаларда-иссиқни ҳимояловчи қатлам). Чердак ости ора ёпма конструкциясида пол бўлмайди.

Асосий юк кўтарувчи элементининг турига боғлиқ ҳолда ора ёпмалар балка ва балкасиз турларга бўлинади (яхлит бетондан ва панелдан). Кўлланилган материалидан келиб чиқкан ҳолатда балкали турдаги ора ёпмалар асосий уч группага бўлинади:

1. Ёғоч балкали
2. Металл балкали
3. Темир бетон балкали

Балкалар бўйлами ва кўндаланг юк кўтарувчи деворларга ёки каркасга таянади.

Ёғоч балкали ора ёпмалар 4 қаватдан юқори бўлмаган бинолар да фойдаланилади. Бундай ора ёпмалардан ўрмонга бой районларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, улардан кенг куламда фойдаланишни кўп меҳнат сарфи талаб этилиши ва ёнфинга бардошли эмаслиги чеклайди. Металл балкали ора ёпмалар алоҳида муҳим кўп қаватли биноларда фойдаланилади. Энг кенг тарқалган ва келажаги бор, ишончли ва ўзоқ муддат хизмат қила оладиган ора ёпмалар бу темир бетон ораёпмалардир. Улар яхлит бетондан қолиплар ҳосил қилиб қурилиш майдонида кўйиладиган ва завод шароитида тайёрлаб, олиб келиб монтаж қилинадиган йиғма темир бетон ора ёпма плиталарга бўлинади. Ҳаводан тарқайдиган шовқиндан ҳимоялаш мақсадида товушдан ҳимоялаш хусусиятини ошириш учун алоҳида-алоҳида **ўзини кўтарувчи** ёки осма потолоклар қилинади. Урилишдан ҳосил бўладиган шовқиндан ҳимоялаш учун аралаш плита, пол, потолокдан ташкил топган ора ёпмалар билан бир қаторда **хаволи катламли бўлинган** ора ёпмалардан фойдаланилади.

Бундай ора ёпмалар уч хил турда бажарилади: **иккита юк кутарувчи панели; битта панел булинган поли; бир пенелли булинган осма потолокли.**

2. Поллар. Улар алоҳида доналардан ёки ўрама элементлардан ёки яхлит бетондан ҳамда бошқа материаллардан ташкил топиши мумкин. Поллар мустаҳкам, иссиқликни кам ўтказувчи, емирилишга қарши чидамли ҳам санитар тугунларда сув ўтказмайдиган бўлиши шарт.

Турли турдаги пол элементларига қуийдагилар киради: **тоза пол, намдан ҳимоя қатlam, текисловчи қават**. Фойдаланиш даврида хар хил таъсирларга учрайдиган устки қатlam тоза пол юзаси паркет доналаридан, ёғоч доскалардан, ўрама материаллардан (ленолеум, толифлекс, релина) ҳамда сопол ва бошқа плиткалардан (санитар тугунларда) бажарилади. Намдан ҳимоя қатlamлари ора ёпмаларга сув ўтишини олдини олиш мақсадида бир ёки икки қават рубероиддан ёки бошқа сув ўтказмайдиган материаллардан бажарилади. Текисловчи қават цементли стяжка кўринишида бажарилади. Текисловчи ости қават грунт устига қилинадиган поллар учун 1000-1500 мм қилинликда бетон қатlam кўринишида амалга оширилади. Қаватларо ора ёпмаларда текисловчи ости қават юк кўтарувчи плита ёки одатдаги ора ёпма элементидир.

Паркет поллар кўп меҳнат талаб қилса ҳам у узоқ хизмат қилади ва чиройлидир. Бундай поллар асосан тураг жой биноларида кенг фойдаланилadi. Ҳар-хил расмлар ташкил қилган ҳолатда паркет доналари бир-бири билан шпунтлар билан бирлаштириб, ёғоч доскали полга куринмайдиган ен томонидан мих билан асосга махкамланади. Ёғоч доскали пол билан ва паркет доналари орасига фижирлашни йўқотиш учун қофоз ёки картон тушалади. Бетон ёки асфальт асосларга ҳам мастика билан ёпиштириб паркет пол ҳосил қилиш мумкин. Бундан ташқари кам меҳнат талаб қиладиган доскали паркет ҳам қўлланилadi.

Ёғоч доскали поллар қалинлиги 38 мм бўлган доскалардан ёки 800-1000 мм кенгликда тайёрланган йиғма шитлардан қилинади. Доскалар ёғоч тусин ва лагаларга махкамланади. Агар 2 қаватли ёғоч пол қилинадиган бўлса, 20-25 мм қалинликдаги қора пол устига 45⁰ бурчак остида қалинлиги 22 мм бўлган шгунтли доскалар қоқилади.

Ўрама материалли поллар иссиқликни кам ўтказади, арzon (паркет полга нисбатан 2 марта) бироқ, хизмат қилиш муддати кўп эмас. Ленолеум поллар ёғоч ёки бетон асосларга мастика ёки цемент казенли клей ёрдамида ёпиштирилади. Темир бетон асослар устидан пол конструкцияларини иссиқлик ютишини камайтириш мақсадида иссиқ қатlam қўзда тутилади.

Сопол плиткали поллар озода, сувга чидамли, шунинг учун бундай поллардан санитар тугунларда, встибюлларда ва зина майдонларида фойдаланилadi. Бироқ бу поллар урилишдан бўладиган таъсирларга сезгиридир. Плиталар бетон асосларга битумли мастика ёки цементли қоришма (10-15 мм) билан ёпиштириб терилади.

Яхлит поллар тураг жой биноларининг зиналарида, меҳмонҳо на ва ётоқхоналарнинг встибюлларида қўлланилadi.

Ора ёпма ва полларнинг алоҳида хусусиятлари. Нам хоналар да (санитар тугунлар, кир ювиш хоналари ва бошкалар) ўрама материаллардан (толь, рубероид) намдан ҳимоя қатlamлари тушаш қўзда тутилади.

Панел ора ёпмаларнинг техник-иқтисодий тавсифи (1 м² ора ёпмага полни ҳисобга олмаган ҳолатда)

Панел тури	Монтаж қилишга меҳнат сарфи одам-кун	Бетоннинг қалинлиги мм	Материал сарфи	
			цемент	пўлат
Овал бўшлиқли темир бетон	0,057	100	29,4	4,04
Вертикал бўшлиқли	0,0047	100	29,4	3,88
Юмалоқ бўшлиқли	0,065	120	35,4	4,34

Баъзи бир полларнинг техник иқтисодий тавсифи (1 м² полга)

Пол конструкцияси	Иссиқлик ютиш коэффиценти ккал (м ² •4-град)	Мехнат сарфи Одам-кун
Лагали ёғоч доскали поллар	5,05	1,16
Цементли қоришмали керамик поллар	-	0,21
Бетон поллар	11,20	0,19

Фуқаро биноларнинг томлари.

Фуқаро биноларининг томлари биноларни атмосфера ёғинларидан, совуқдан, иссиқдан сақлаган ҳолда хоналарда шинам микроклиматни (температура, намлик) сақлаб туради. Тураг жой ва жамоатчилик биноларининг томлари унча кенг бўлмаган биноларда чордакли ва чордаксиз текис бўлиши мумкин.

Чордақли томларда юк қўтарувчи конструкция сифатида стропиладан (ёғоч ва темирбетон), йирик ўлчамли панеллар ва бундан ташқари ёғоч, темир бетон ҳамда металл фермалардан фойдаланилади. Стропилалар таянадиган ва осма қилиб қурилади. Таянадиган стропилалар бино ичининг ўрта қисмида юк қўтарадиган таянч бўлган шароитларда қўлланилади ва у стропил оёғи, устун, ховон, юқори прогон ва мауэрлатдан ташкил топади. Стропил оёқларининг пастки учлари ташки девор устига ётқизилган моуэрлат (стропил ости бруслари)га таянади. Юқори учлари эса устунга ўрнатиладиган юқори прогонлар(бўйлама сорроблар)га таянади. Осма стропилаларни орада таянч асос бўлмаган кенглиги 6-12 метрли биноларда қўллаш мақсадга мувофиқ. Кенглиги катта бўлмаган (6 метргача) биноларнинг стропила элементларига стропил оёқлари, горизонтал кучланишни қабул қилиб, тенг ёнли учбурчакли

хосил қиладиган тортиб турувчи элементлар киради. Стропил оёқларининг юкори учлари бир-бири билан михлар ва ёки болт гайкалар ёрдамида бирлаштиради. Кенг биноларда стропил оёқларини ушлаб турис учун ёғоч ховонлардан фойдаланилади.

Ички юк кўттарувчи девори ёки устуни бўлмаган биноларда ёғоч стропил фермалар, катта қулочли биноларда эса темир бетон ва металл фермалар қўлланилади. Фермаларни пастки прогонларига ора ёпмалар монтаж қилиб, устидан пардан ва иссиқдан ҳимоя қатламлари тушалади.

Чордоксиз текис томлар 5 % гача қиялик билан қурилади. Улар ҳаво қатлами ёки ҳаво панеллари орқали шамоллатиладиган бўлади. Текис томлардан сув ташкилий холатда ички сув йўллари орқали чиқариб юборилади. Чордокли томларда эса ташкилий бўлмаган холатда жалобалар орқали томдан туширилади.

Текис томларни асосий элементларига қуйидагилар киради: **йиғма ёки яхлит темир бетон плита, пардан ҳимоя қатlam, плита ҳолатдаги ёки сочиувчан материалдан иссиқ ҳимоя қатлами, асфальт ёки цементли қоришмадан текисловчи қатlam, 4-5 қават ўрама материалдан том тушамаси (кровля) ва битумга аралаштирилган йирик донали қумдан ҳимоя қатлами.**

Том тушамаси (кровля) – томнинг сув ўтказмайдиган юкори қавати бўлиб, у листли пўлатдан, асбестоцемент листдан ва ўрама материалдан бажарилиши мумкин.

Асбестоцемент том тушамаси бошқа тушамалардан узоқ муддат хизмат қилиши, ёнфинга чидамлилиги ва оғирлиги унча юкори бўлмаганлиги билан ажралиб туради. Асбестоцемент листлар 50x50 мм кўндаланг кесим юзага эга бўлган егоч рейкаларга махсус михлар ёки шурплар билан махкамланади. Листларнинг учлари бир-бири билан 100-120мм бостириб, тушалади.

Урама материалли том тушамаларни бажарилиши оддий, оғирлиги енгил, сув ўтказмайди, бироқ оловга чидамсиз. У бетон ёки қоришма асосга 4-5 қават тушалади.

Металл листли том тушама оддий ва зангламайдиган листлардан рейка панжара устига махкамланади. Улар жуда енгил, бироқ катта миқдорда металл талаб қиласи.

Чордоксиз томларда темир бетон плиталар устидан албатта пардан ҳимоя қатлами тушалади. Бундай қатlam чордокли томларда шарт эмас. Пардан ҳимоя қатламини асосий моҳияти том остидаги хона қишиш шароитида иситилади ёки қандайдир технологик жараён натижасида пар ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган пар ёки иссиқ ҳаво том ёпма плитадан ўтиб, агар пардан ҳимоя қатлами булмаса иссиқ ҳимоя катлами орасига ўтади. Кишиш шароитида том тушамаси ва цементли коришма ёки асфальтдан совуқ ҳаво ўтиб, иссиқ ҳимоя қатламида тўқнашади. Албатта иссиқдан ҳимоя қатлами ғовак материалдан бўлади. Иссиқ ҳаво ёки пар совуқ ҳаво билан тўқнашиш натижасида сув ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган сув қишиш шароитида тунда музлайди, кундузи қуёш тафтида муздан тушади. Бизга маълумки сув музлагандага ўз хажмини 9% га оширади. Бунинг

натижасида ўрама материалли том тўшамада кўтарилиш пайдо бўлади. Бу жараён бир неча бор такрорланиши натижасида том тўшамада бузилиш хосил бўлади ва бу бузилган жойдан бино ичига атмосфера сувлари ўта бошлайди. Демак хоналардаги иссиқ хаво ва парлар томнинг иссиқ химоя қатламига ўтмаслигини олдини олиш мақсадида пардан химоя қатлами хосил қилинади.

Турар жой бинолари томларининг техника иқтисодий тавсифи

№	Том турлари	Оғирлиги (кг)	Меҳнат сарфи одам-кун
1.	Ёғоч йиғма стропил: тўлқинсимон асбестоцемент листлардан тушама	40	0,17
2.	Ёғоч панжарали йиғма темир бетон стропил: тўлқинсимон асбестоцемент листлардан тушама	123	0,15
3.	Йиғма қобурқали темир бетон плита: ўрама материалли том тушама	223	0,21

Катта қулочли жамоатчилик биноларнинг томларини ёпишда одатда юк кўтарувчи ва ўраб турувчи функцияни бажарадиган фазовий конструкциялар қўлланилади. Айниқса охирги йилларда фазовий конструкциялардан кенг фойдаланилмоқда. Жаҳон қурилиш амалиётида яъни АҚШда 240 метр қулочли темир бетон оболочки том ёпма, Канадада 75 метрли омборхона томи, АҚШда 120 метр қулочли гипербола оболочка том ёпмаси, Россияда 224 метр қулочли мембрана қурилган.

Фуқаро биноларининг зиналари

Фуқаро биноларида зиналар асосий (бош), ёрдамчи (хизмат зинаси), ёнғин (авария) турларга бўлиниши мумкин.

Зиналар қия жойлашган зиналардан, горизонтал зина майдонидан ва темир панжарали тўсикдан ташкил топади. Зина жойлашган хона зина катаги деб аталади. Зина қадамлари косоурлар ушлаб турадиган поғоналардан ташкил топади. Поғоналарнинг горизонтал юзаси кенглиги 250-300 ммга ва уларни баландлиги 150-180 мм қабул қилинади. Ҳар бир қаватда қават майдони, қават ўртасида ора майдон бўлади. Майдонлар кенглиги зина қадамлари кенглигидан кам бўлмайди, аммо 1200 ммдан кам бўлмаслиги шарт. Қадамлар орасида ёнғинни учириш сув шлангларини ўтказиш учун 100 мм оралиқ қолдирилади.

Зина тусигига (баландлиги 800 мм) устун, металл панжара, ёғочдан ёки резинадан тайёрланган ушлагич киради.

Қадамлар сонига боғлиқ холда зиналар бир, икки ва уч қадамли бўлиши мумкин. Энг кўп тарқалгани табиий ёритиладиган икки қадамли зиналардир. Зина катаклари ёнмайдиган материалдан бажарилиши шарт. Шунинг учун асосий элементлари йиғма ва монолит темир бетондан ва металдан бўлади.

Олти қаватдан юқори турар жой биноларида зиналарни димланиб қолмаслиги учун қаватлараро лоджаларга чиқадиган жойлар ташкил қилинади. Бундан ташқари ёнғин содир бўлганда автоматик тарзда ишлаб кетадиган махсус ҳаво алмаштириш шахталари жойлаштирилади ва ҳар беш қаватда ёнмайдиган юпқа девор билан ажратилади.

Жамоатчилик биноларида алоҳида ҳолатлар учун зина ўрнига поғонасиз кам кияликда ва кўп одамларни тез ўтишларига мўнжалланган пондуслар жойлаштирилади.

Зина элементлари ўлчамларини аниқлаш ва графикаси чиқариш қуидагича амалга оширилади:

Қадамларнинг горизонтал проекцияси битта кам поғоналар сонига бўлинади, қават баландлиги қаватдаги поғоналар сонига бўлинади. Хосил бўлган нуқталар асосида горизонтал ва вертикал чизиқлар ўтказилади ва келтириб чиқарилган сетка асосида зина профили аниқланади. Зина кенглиги иккита қадам кенглиги ва қадамлар орасидаги эркин 100 мм оралиқга teng бўлади. Зина катаги ўлчамлари хисоблангандан сўнг, у конструктив схема ва модул параметрлари билан келиштирилади.

Оммавий қурилишларда кенг тарқалаган йиғма темир бетон зиналар қуидагилардан ташкил топади:

а) майда ўлчамли элементлардан – косоур ва тетив, косоур ости балкаси, поғоналар ва майдон плитаси;

б) бутун қадам ва майдондан(иккита элементдан);

в) битта элементдан - қадамлар қават ва қаватлараро майдони билан.

Квартиralар ичида зиналар ёғочдан тайёрлаб, ўрнатилади. Ертўла зиналари бир қадамли бўлиб, у бино ичида ёки бинодан ташқарида жойлашади. Бино ташқарисида жойлашса, атрофи девор билан ўралиб, атмосфера ёғинларидан сақлаш учун усти ёпилган бўлади.

Ёнғин ва авария зиналари одатда металлдан тайёрланади. Уларни тетивлари швеллердан, поғоналар арматуралардан ёки металл листлардан бўлади. Бундай зиналарни элементлари болтлар ёрдамида бириктирилади ва деворларга металл кронштейнлар ёрдамида махкамланади.

Беш қаватдан юқори бўлган биноларда зиналар ёнида жойлашган лифтлар қўлланилади. Пассажир лифтлар паст қаватли касалхона ва санатория биноларида фойдаланилади. Улар **пассажир, хизмат-хўжалик, юк ташувчи, махсус касалхона** лифтларига бўлинган ҳолда, турли хил улчамга, харакат тезлигига ва юк қўтариш қобилиятига эга бўлади.

Фуқаро биноларида жойлаштириладиган лифтларнинг харакат тезлиги ва унинг юк қўтариш қобилияти ундан фойдаланадиган одамлар сонидан келиб чиқиб хисобланади.

Лифтлар бино ичида шундай жойга жойлаштирилиши шартки, у лифтдан фойдаланувчиларни одамлар ва юклар оқимини кесиб ўтмасдан осон етиб боришини таъминлаши шарт. Коидага асосан лифтлар бинога кириш жойидан узок бўлмаган вестибюл қисмига жойлаштирилади. Ўрта қаватли (5-8 қадам) биноларда лифтлар зиналар олдига ўрнатилади.

Зина-лифт тугунини ташкил қилиш уйнинг қаватлар ва квартиralар сонига боғлиқ бўлиб, маълум даражада секция ва блокларнинг композиция ечимини аниқлайди.

Фуқаро биноларининг юпқа деворлари

Юпқа девор – хоналарни бир-биридан қават миқёсида ажратиб, тўғридан-тўғри ора ёпмалар устига ўрнатиладиган юпқа ва юкламаган ички девор.

Квартиralар орасидаги юпқа деворлар товушдан яхши химоялаш хусусиятини, санитар-техник тутунлар ва ошхоналардаги юпқа деворлар намга чидамлилик хусусиятини эгаллаган бўлиши шарт. Юпқа деворлар ёғочдан, ғиштдан, гипсли, гипсошлакбетонли, гипсоопилкали плиталардан, ёғоч каркасга маҳкамланадиган листли материаллардан бажарилади. Булардан ташқари енгил бетон ва темир бетон юпқа деворлардан хам фойдаланилади. Оммавий қурлишларда 800x400 ўлчамдаги, 80 ёки 100мм қалинликдаги гипсли ва гипсобетон плиталар ишлатилмоқда.

Хозирги даврда энг индустрисал юпқа девор йирик панелли юпқа деворлардир. Уларни тайёрлаш ва ўрнатишга сарфланган меҳнат сарфи майда элементлардан хосил қилинадиган юпқа деворларга нисбатан 2 марта кам, таннархи эса 35-40 % арzonдир. Йирик панелли юпқа деворларни қалинлиги 50,80,100 ва 120 мм ни, минимал баландлиги 2500 ммни,узунлиги 600 ммни ташкил этади.

Квартиralар орасида ўртасида 40-50 мм кенглиқда хаво қатламли 2 қаватли, хоналар орасида эса қалинлиги 90-100 мм бўлган юпқа деворлардан фойдаланилади. Нам хоналарда юпқа деворлар ғиштдан (ярим ғишт), шлакбетонли ғовак плиталардан ва шлакбетон плиталардан бажариш мақсадга мувофиқдир. Юпқа деворларни бетон шифтларга маҳкамлаш анкер болтлар ёрдамида амалга оширилади.

Дераза ва эшиклар

Дераза учун қолдирилган жойларни дераза каробкаси, ойнак билан тўлдирилган қанотлар (улар бир ва қўш қанотли бўлиши мумкин) ва дераза остки доскаларидан тўлдирилади. Индустрисал қурилишда қаробкалар қанотлар билан йиғиб блок ҳолатида келтирилади, йирик панелли биноларда улар бирданига девор панелларидағи дераза ўринларига ўрнатилади. Туар жой биноларида дераза блокларини ўлчамлари 1143, 1343, 1958 ва 2153 мм (дераза каробкасини ташки ўлчамлари) ва баландлиги 1383 мм ни ташкил этади.

Дераза каробка ва қанотлари туар жой бинолари учун асосан ёғочдан тайёрланади. Хозирги даврда пластмасса материалидан герметик дераза блоклари мустақил Ўзбекистонимизда ишлаб чиқарилмоқда. Бундай дераза блокларини афзаллиги каробка ва қанотларга бўёқ берилмайди. Уларни ранглари узоқ муддат ўз рангини йўқотмайди, ойнаклар заводда тайёрлаш жараёнида маҳсус резина прокладкалар билан мустахкам ўрнатилган бўлади, улар герметик бўлиб, ташқаридан ҳеч қандай товуш ва шовқин хона ичига кирмайди. Жамоатчилик биноларида алюмин ва алюмин қотишмасидан тайёрланган витрина деразаларидан фойдаланилади.

Эшиклар. Улар каробка ва каробкага ўрнатиладиган қанотдан ташкил топади. Белгиланиши бўйича эшиклар ташки ва ички, очилиб-ёпишиш усули бўйича – очиладиган, суриладиган, айланадиган ва осилган ҳолатда суриладига турларга бўлинади.

Эшик қанотлари қуйидагича ўлчамларда қабул қилинган: квартирага кириш учун кенглиги 890 ва 1090, баландлиги 2000 мм, хоналараро 800 мм, ювиниш хоналарида 700 мм, хожатхоналарда 600 мм, жамоатчилик биноларида 2 қанотли кенглиги 1400 мм, туар жой биноларига кириш эшиклари кенглиги 1290, 1390, 1490, баландлиги 2300 мм. Эшиклар бир ва икки қанотли бўлади. Туар жой биноларининг ичидаги ошхона ва умумий хона, балконларида ойнакли эшиклардан фойдаланилади.

Фойдаланилган асосий дарслик ва ўқув қулланмалар рўйхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Тешабоев Р.Д. Тураг-жой биноларини конструктив қисмлари. Т.: Ўқитувчи, 1996 й.
2. Зайцев Ю.В. «Архитектура и строительные конструкции» М.: Высшая школа», 1993 г.
3. Орловский Б.Я. Архитектура гражданских и промышленных зданий. М.: Стройиздат, 1991.
4. Қамбаров Х.У. Тураг жой биноларининг конструктив ечимлари Ўқув қўлланмаси. Тошкент. 1992
5. Архитектура под ред. проф. Маклаковой Изд. АСВ, 2004

Кўшимча адабиётлар

1. Акрамов Х.А., Кучкаров Р.А., Пирматов Р.Х, Кўп қаватли саноат биноларини зилзилавий ҳудудларда лойиҳалаш асослари. Ўқув қўлланма. Т. 2002 й.
2. Бонтаренко В.И. Зилзила бўладиган районларда юк кўтарувчи деворлари ғиши ёки тошдан терилган биноларни лойиҳалиш. Т. 1992 йил.
3. Юсупов Р.А. Архитектуравий конструкциялар. Ўқув қўлланма. Т. 2004й.
4. КМК 2.01.01-94 - “Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий геологик маълумотлар” Тошкент. 1994.
5. КМК 2.01.03-96-“Зилзилавий ҳудудларда қурилиш”Тошкент. 1996.
6. КМК 2.01.04-97-“Қурилиш иссиқлик техникаси” Тошкент 1997
7. КМК 2.01.05.-98. “Табиий ва суъний ёритиш” Т.1998..
8. КМК 2.01.08-96. “Шовқиндан ҳимоя” Т. 1997.
6. КМК 2.07.01-94 - “Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ манзилгоҳларини режалаштириш ва қуриш” Тошкент. 1994.
7. КМК 2.08.01-94- “Тураг жой бинолари” Т. 1994.
8. КМК 2.08.02.-96-“Жамоат бинолари ва иншоотлари” Т. 1996.
9. Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида», Т.2003 йил 6 май, ПФ №3240.
- 10.«Истиқболи ёш педагог ва илмий кадрларни малакасини ошириш ва тажриба алмашув тизимини такомиллаштириш тўғрисида», Т.2003 йил 1 июл, ПФ №3272.
- 11.Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик кодекси. Т.2002 йил 4 апрел
12. Фарберман Л.Б., Мусина Р.Г. Жумабоева Ф.А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усувлари. Ўқув-услубий қўлланма. Т.ОЎМММИ, 2002 й.,192 б.

